

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 74 (330), 2021 йил 14 апрель, чоршанба



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz\_official



yuz.uz\_news



## ЁШЛАР СИЁСАТИГА ОИД ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 13 апрель куни ёшлар бандлигини таъминлаш ва бўш вақтини мазмунли ташкил этиш борасида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Маълумки, 2021 йил мамлакатимизда "Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломамлигини мустаҳкамлаш йили", деб номланди, бу борада давлат дастури қабул қилинди. 27 январь ҳамда 10 февраль кунлари бўлиб ўтган йиғилишларда жорий йилги муҳим вазифалар яна бир бор қайд этилиб, масъуллар белгиланган эди.

Йиғилишда ушбу вазифалар ижросининг бориши, вазирлар, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари, сектор раҳбарлари, олий таълим муассасалари ректорлари ёшларга оид ишларни қандай ташкил этгани кўриб чиқилди.

Мамлакатимиз бўйича 648 минг нафар ишсиз "Ёшлар дафтари"га киритилган бўлса, биринчи чоракда шундан 283 мингнинг бандлиги таъминланган. Хусусан, 175 минг нафар ёшга 45 минг гектар ер майдони ажратилган.

Ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида 36 мингта қўшимча тўғрақ ташкил этилиб, 874 мингга яқин ўғил-қиз жалб этилган. "Беш муҳим ташаббус" доирасида таълим муассасалари, кутубхона ва ўқув марказларига 97 мингта санъат ва спорт инвентари, компьютерлар, 562 мингта бадий китоб etkazиб берилган.

Лекин, айрим ҳудуд ва соҳаларда ёшлар масалаларига эътибор ҳали ҳам талаб даражасида эмаслиги кўрсатиб ўтилди. Мисол учун, Андижон вилоятида биринчи чоракда атиги 5 мингга яқин ёш доимий ишга жойлаштирилган. Аммо, айна пайтда ҳудуддаги сановат корхоналари ва кластерларда 7 мингта доимий вакант иш ўрни мавжуд.

Ишсиз ёшларни касб ва тадбиркорликка ўқитиш, маблағ билан таъминлашда ҳам камчиликларга йўл қўйилмоқда. Хусусан, "1+1" дастури доирасида 100 минг нафар ёшнинг ўқитилиши, кейин уларга имтиёзли кредит ажратиш белгиланган бўлса-да, Савдо-сановат палатасининг қуйи тузилмалари бу ишларни тизимли ташкил эта олмапти.

Мисол учун, уч ойда республика бўйича 21 минг нафар ёш тадбиркорликка ўқитилган. Тошкент шаҳрида атиги мингта, Наманганда эса 1 100 та сертификат берилган. Бухорода эса бор-йўғи 216 нафар ёш касб-хунар ва тадбиркорликка ўқитилган.

Бундан ташқари, ишсиз ёшларнинг бандлигини таъминлаш Сурхондарё вилоятида 30 фойзга яқин ташкил этиб, бу республикадаги энг паст кўрсаткич. Худди шу каби Хўжайлида атиги 16 нафар, Фурқатда 27 нафар, Улугнорда 78 нафар, Ангорда 82 нафар ишсиз ёшлар "1+1" лойиҳаси билан қамраб олинган.

Йиғилишда бундай ўзибўларчилик ҳолатлари қаттиқ танқид қилинди. Ёшлар билан ишлашни лозим даражада ташкил этмагани учун Сурхондарё вилояти ҳокимининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосари, Фурқат ва Улугнор тумани ҳокимлари, Шофиркон, Қамаша, Хива, Чуст, Хўжайли ва Ангор туманларидаги айрим сектор раҳбарлари лавозимидан озод этиладиган бўлди. Яна қатор мутасаддилар қатъий оғоҳлантирилиб, вазиятни ўнглаши учун муҳлат берилди.

Галдаги вазифалар ижросини ташкил этиш, ёшлар билан ишлайдиган муассасаларга имкониятларни кенгайтириш чора-тадбирлари белгиланди.

— Энг муҳим вазифа, аввало, ёшлар бандлигини таъминлаш, муносиб даромад олиши учун уларга шартли яратиб бериш. Бу борадаги энг катта имконият ва захира — тадбиркорлик, айниқса, кичик ва ўрта бизнесдир, — деди Шавкат Мирзиёев.

Шундан келиб чиқиб, мутасаддиларга ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш борасидаги имкониятларни янада кенгайтириш ва бандлигини таъминлаш бўйича янги механизм жорий этиш вазифаси қўйилди. Бу тизимда халққа ҳам, ташкилотларга ҳам маълум бўладиган бир қанча имтиёзлар белгиланган.

Жумладан, 1 майдан бошлаб ёшларни ишга қабул қилган корхона ва компанияларга ушбу ҳодимлар учун тўланган ижтимоий солиқ қайтариб берилди.

Шунингдек, 1 июндан бошлаб, "Ёшлар дафтари"га кирган талабалар корхона ва компанияларда амалиёт ўтаганда, уларга 500 минг сўмгача субсидия ажратилди.

Биринчи марта ишга кирган касб-хунар маркази битирувчилари 6 ойгача даромад солиғи тўлашдан озод этилади.

"Ёшлар дафтари"га кирган 5 нафардан ортиқ ишсизлар бандлигини таъминлаган тадбиркорларга 1 майдан бошлаб давлат мулк ижараси учун 50 фойзгача имтиёз берилди.

Шунингдек, ижарага бино олиб, ўз бизнесини бошлаётган ёшларга, бир йиллик ижара суммасининг 30 фойзгача қисми қўллаб берилди.

"Ёшлар дафтари"га киритилган йигитлар ва меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш, бир ойлик ҳарбий хизматни бўйича ўрнингизни бюджетдан тўлаб берилди.

Шунингдек, 1 июндан бошлаб "Ёшлар дафтари"га кирганларнинг хорижий тиллар ва умумтаълим фанлари бўйича нодавлат таълим ташкилотларида ўқиши харажатининг бир қисми қўллаб берилди.

Шу билан бирга, 1 июндан бошлаб ҳусусий корхоналарда янги иш бошлаган ҳодимларни қайта тайёрлаш харажатининг 1 миллион сўмгача бўлган қисмига субсидия берилди.

Бундан ташқари, ёшларнинг профессионал таълим мактаблари, техникумларда ўқиши учун тўланадиган контракт суммаси даромад солиғидан озод қилинади.

Ёшлар бандлигини таъминлашдаги яна бир муҳим йўналиш — қишлоқ ҳужалиғи. Бугунги кунда республика бўйича 21 та туманда 2 мингдан 4,5 минг нафаргача ёшга деҳқончилик учун ер ажратилган.

Давлатимиз раҳбари ер олган ёшлар агротехник тадбирларни бажариб, даромад ола бошлагунча фермер ва кластерлар амалий ёрдам кўрсатиши муҳимлигини таъкидлади.

Бу соҳада ҳам аҳолини қўллаб-қувватлаш мақсадида "Ёшлар дафтари"га кирганларга уруғлик ва қўчатлар хариди учун 2 миллион сўмгача субсидия бериш зарурлиги қайд этилди.

Молия вазирлиғига субсидиялар беришнинг очiq-ошқоралигини таъминлаш мақсадида "электрон платформа" яратиш вазифаси қўйилди.

Яна бир масала — ҳар бир маҳалла ва хонадонни сифатли тиббий хизматлар би-

лан қамраб олиш учун малакали ўрта бўғин тиббиёт ҳодимларини кўпайтириш зарур бўлмоқда. Биргина тиббий бригадаларга камида 7 минг нафар ўрта тиббиёт ҳодимлари керак.

Шунинг учун, соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислохотларнинг давоми сифатида жорий йилда қўшимча 20 минггача ўрта тиббиёт ва ижтимоий ҳодимлар штатини ташкил этиш ҳисобига минглаб ёшлар учун янги иш ўринлари яратилиши зарурлиги таъкидланди.

Йиғилишда ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш масалаларига ҳам эътибор қаратилди.

Бугунги кунда "Баркамол авлод" болалар марказлари бор-йўғи 175 минг нафар ёшни қамраб олган ҳолос. Шу боис ушбу муассасалар имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш, ҳар бир мактабда уларнинг тармоқ филиалларини ташкил этиш орқали қамровни ошириш бўйича топшириқлар берилди.

Турли фестивал ва мусобақалар ўтказиб, ёшларни спорт, маданият ва санъатга қизиқтириш, нуфузли халқаро танловларга олиб чиқиш изчил давом эттирилади.

Давлатимиз раҳбари ҳар бир олий ўқув юрти ён-атрофидаги маҳаллалар учун маънавият маркази, маданият ўчоғи бўлиши кераклиги, бу борада ректорларнинг ўрни умуман сезилмаётганини таъкидлади.

Йиғилишда талабаларнинг яшаш шарт-шароитлари масаласига алоҳида тўхталиб ўтилди.

Бугунги кунда 130 мингдан зиёд талаба ижарада яшамоқда. Бу масала бўйича ҳукумат томонидан алоҳида дастур тайёрланмоқда. Унга қўра, бундай ёшларга 1 майдан бошлаб ижара тўловининг ярми давлат томонидан қўллаб берилди. Дастлабки босқичда ушбу тизим орқали 60 минг нафар ёшлар қамраб олинади. Шу билан бирга, эҳтиёмжанд талабаларга ушбу харажатлар ҳокимликлар ва олийгоҳлар маблағи ҳисобидан ҳам қўллаб берилди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан мутасаддиларнинг ҳисоботи эшитилди.

ЎЗА

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

### КАПИТАЛ БОЗОРИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Капитал бозорини янада ривожлантириш, қимматли қоғозлар чиқарилишини кўпайтириш, жиоманий ва юридик шахсларнинг фонд бозоридаги иштирокини кенгайтириш мақсадида:

1. **Капитал бозорини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари** этиб қуйидагилар белгилансин:

капитал бозорининг рақобатбардошлигини ошириш ва унинг капиталлашувини 2023 йил якунига қадар **45 триллион сўмга** етказиш, банк томонидан кредитлашга муқобил бўлган самарали молиялаштириш механизминини яратиш;

халқаро молия бозорлари билан фаол интеграциялашув, замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш ва хорижда муваффақиятли синовдан ўтган илгор ёндашувларни қўллаш орқали барча тоифадаги инвесторлар учун **капитал бозорининг қулайлигини ошириш**;

капитал бозорининг уйғун фаолияти ва унинг барча сегментлари ривожланишини таъминлаш орқали 2023 йил якунига қадар республика ва худудий инвестиция дастурлари доирасида лойиҳаларнинг қимматли қоғозлар чиқариш орқали молиялаштирилган қисмини **5 фойзга** етказиш;

соҳага илгор халқаро амалиётни жорий қилиш, ортиқча тўсиқлар ва чекловларни бартараф этиш орқали фонд бозорига ривожланиш мақсадларига йўналтирилган инвестицияларни фаол молиялаштириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш;

халқаро мезонлар ва тажрибаларни жорий қилган ҳолда, капитал бозорини тартибга солишнинг

Давоми 2-бетда

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

### БЮДЖЕТ ЖАРАЁНИДА ФУҚАРОЛАРНИНГ ФАОЛ ИШТИРОКИНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 февралдаги "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишини бўйича Ҳаракатлар стратегиясини" Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломамлигини мустаҳкамлаш йили"да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида"ги ПФ-6155-сон фармони ижросини таъминлаш, шунингдек, Давлат бюджетининг шаклланиши ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш жараёнига аҳолини фаол жалб этиш ҳамда жойлардаги долзарб муаммоларни ҳал этишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш мақсадида:

1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Молия вазирлиги ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг:

2021 йил май ойидан бошлаб иловага мувофиқ туман (шаҳар)ларда, 2022 йил 1 январдан эътиборан республиканинг барча туман (шаҳар)ларида тегишли бюджетларнинг тасдиқланган умумий харажатларининг **5 фойзини жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбир-**

ларни молиялаштиришга йўналтириш бўйича янги тартибни босқичма-босқич жорий этиш;

2021 йил 1 июндан бошлаб жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга ажратиладиган **туман (шаҳар)лар бюджетлари қўшимча маблағларининг энг кам миқдорини 10 фойздан 30 фойзга ошириш** ҳақидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Молия вазирлиги **бир ҳафта мuddатда** мазкур қарор иловасига мувофиқ танлаб олинган туман (шаҳар)лар бюджетларига қўшимча равишда Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети маблағлари ҳисобидан **92,7 миллиард сўм маблағ** ажратилишини таъминласин.

3. Белгилаб қўйилсинки:

мазкур қарорнинг 1-бандида белгиланган босқичларни инобатга олган ҳолда туман (шаҳар) бюджетлари тасдиқланган харажатларининг **5 фойзига тенг миқдордаги маблағлар** жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилади;

Давоми 2-бетда

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

### КАПИТАЛ БОЗОРИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш ва корпоратив бошқарув соҳасидаги ислохотларни янада чуқурлаштириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги "Капитал бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-6207-сон фармони ва 2021 йил 3 апрелдаги "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг тузилмасини мақбуллаштириш ва штат бирликларини сонини қисқартириш тўғрисида"ги ПҚ-5053-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида:

1. **2021 йил 1 майдан** бошлаб:

Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги тугатилсин; тугатилаётган Капитал бозорини ривожлантириш агентлигининг қимматли қоғозлар бозорини, шу жумладан, қимматли қоғозлар савдосининг ташкилотчилари ва Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсини тартибга солиш, шунингдек, корпоратив бошқарувини ривожлантириш ҳамда лотереяларни ташкил этиш фаолияти бўйича вазифа, функция ва вазокатлари Молия вазирлигига ўтказилсин.

2. Молия вазирлигига **капитал бозорини ривожлантириш соҳасида қуйидаги вазифалар** юклатилсин:

қимматли қоғозлар бозорини шакллантириш, ривожлантириш, тартибга солиш, назорат қилиш ва корпоратив бошқарув соҳасида **ягона давлат сибсатини амалга ошириш**; қимматли қоғозлар савдосининг билан шуғулланувчи инвесторлар ҳамда қимматли қоғозлар эгаларининг **ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш**; **қимматли қоғозлар бозори, акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш** тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қилинишини назорат қилиш;

маҳаллий капитал бозорининг ривожланиш ҳолати ва унинг профессионал қатнашчилари тўғрисида **инвесторлар ва жамоатчиликни хабардор қилиш**;

қимматли қоғозлар савдосининг ташкилотчилари ва қимматли қоғозлар бозоридаги профессионал иштирокчиларнинг фаолиятини, шунингдек, букмекерлик ва лотереяларни ташкил этиш **фаолиятини тартибга солиш**;

Давоми 2-бетда

## БИЗНЕС МАРАФОН



Ҳасан МАМАСАИДОВ:

### ТАДБИРКОРЛИК ИНСОНЛАРГА МАНФААТ БЕРИШ УЧУН БОШЛАНСА

даромад ҳам, шахсий бренд, обрў ҳам ўзи келади

Мамлакатимиз бўйлаб янги лойиҳа — "Biznes marafon"нинг илк манзили сифатида Наманган танлангани бежиз эмас. Чунки тадбиркорликни бошлаш ниятидаги ёшларнинг энг кўп улуши айнан шу ҳудудга тўғри келади.

Марафон бошида номдор тадбиркорлар ва вилоят ҳокими ўртасида бизнес учрашув бўлиб ўтди.

"Тадбиркор ўз ўрнини топиши учун қаттиқ меҳнат қилиши керак. Муваффақиятга ўз-ўзидан эришилмайди. Ҳар бир ютуқ замирида заҳматли ҳаракат, уйқусиз тунлар ётади. Еш тадбиркорларимиз бу сўзларни сизлардан эшитишлари уларга дадиллик ва шижоат бағишлайди. Наманганнинг тадбиркорликда ўз мактаби бор. Уни ривожлантириб, янги нуктага олиб чиқишда сизларнинг ўрниниз бекиёс", деди Наманган вилояти ҳокими.

Ёшлар ишлари агентлиги директори, сенатор Алишер Саъдуллаев, "Yoshlar — kelajagimiz" жамғармаси ижрочи директори Хайрулла Сатторов, Ўзбекистон ёшлар тадбиркорлигини қў-

лаб-қувватлаш маркази директори Меҳрош Рашидов ҳамда юксак натижаларга эришган таниқли тадбиркорлар — "Dekos.uz" ва "Deli.uz" таъсисчилари Ҳасан ва Хусан Мамасаидовлар, "Asaxiy.uz" онлайн дўкони асосчиси Фирузбек Аллаев, "Cambridge" ўқув маркази, "Selfmade" лойиҳаси асосчиси Жаҳонгир Пулатов, "Najot ta'lim" ўқув маркази асосчиси Темур Адхамов тадбирда сўзга чиқиб, Намангандаги ижобий тадбиркорлик муҳити тўғрисида самимий эътирофларини айтишди.

Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
Қ А Р О Р ИБЮДЖЕТ ЖАРАЁНИДА ФУҚАРОЛАРНИНГ  
ФАОЛ ИШТИРОКИНИ ТАЪМИНЛАШ  
БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА  
ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилган маблағлар туман (шаҳар) ҳокимликларида бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари шаклида очиладиган “Фуқаролар ташаббуси жамғармаси” шахсий газна ҳисобварағида жамланади ва ушбу маблағларнинг бошқа мақсадларга ишлатилиши қатъиян тақиқланади.

4. Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта мuddатда Олий Мажлис Сенатига туман (шаҳар)лар бюджетлари маблағларини жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларга йўналтириш тартиби тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш учун киритсин.

Ушбу намунавий низом асосида туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари икки ҳафта мuddатда: ҳар бир туман ва шаҳарнинг алоҳида хусусиятидан келиб чиқиб, туман (шаҳар)лар бюджетлари маблағларини жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларга йўналтириш тартибини назарда тутувчи қарор лойиҳасини; халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгаши, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилотларининг масъул ходимларидан иборат Жамоатчилик фикри асосида тадбирларни шакллантириш, баҳолаш, танлаб олиш ҳамда ижросини мониторинг қилиш бўйича ишчи комиссия тартибини тегишли халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашига тасдиқлаш учун киритсин.

5. Туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари тегишли маҳаллий бюджетлар маблағлари ҳисобидан жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштириш тўғрисидаги маълумотларни ҳар чорак якунлари бўйича кейинги ойнинг 25 санасидан кечиктирмай ўзларининг расмий веб-сайтларида ва “Очиқ бюджет” порталига жойлаштирсин.

Туман ва шаҳарлар ҳокимликлари жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга бюджет маблағларининг ўз вақтида ажратилиши ва уларнинг амалга оширилиши жараёнини ёритиб бориш юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,  
2021 йил 13 апрель

## БИЗНЕС МАРАФОН

Ҳасан МАМАСАЙДОВ:

ТАДБИРКОРЛИК ИНСОНЛАРГА МАНФААТ  
БЕРИШ УЧУН БОШЛАНСА

даромад ҳам, шахсий бренд, обрў ҳам ўзи келади



Бошланиши 1-бетда

Марафоннинг асосий қисми Наманган шаҳрининг Давлатобод туманида яқинда фойдаланишга топширилган замонавий “Янги Ўзбекистон — ёшлар зиё маскани” ахборот-кутубхона марказида давом этди. “Муваффақиятга эришиш сирлари” мавзусидаги тренинг тадбиркорлик соҳасига қизиқувчи 400 га яқин йигит-қиз иштирокида қизғин ва кўтаринки руҳда кечди.

Юртимизнинг кўзга кўринган, соҳасида катта марраларни забт этган бизнес вакиллари ўз тажрибалари, тадбиркорлик билан самарали иш ушулганлиш ва маркетингда муваффақиятга эришишда нималарга эътибор қаратиш кераклиги ҳақида йиғилганларга қимматли тавсияларини, маҳорат сабоқларини улашдилар.

— Ёш тадбиркорлар учун энг муҳими кредит эмас! Яхши устозлардан билим олиш, уларнинг хато ва ютуқларидан тўғри хулоса чиқариш муҳимроқ, — деди тадбиркор Ҳасан Мамасайдов. — Тадбиркорлик инсонларга манфаат бериш учун бошланса, даромад ҳам, шахсий бренд, обрў ҳам ўзи келади ва сизни топади!

Ёшлар спикерларга ўзлари учраган муам-

моли вазиятга ечим топиш борасидаги саволларни йўллашда ҳамда фойдали, муҳим маслаҳатларни, жавобларни содда ва атофлича тарзда олишди. Мингбулоқлик ёш дастурчи Сардорбек Ҳасимов: “Тўғри, тадбиркорлик пул билан ривожлантирилади, лекин билим, кучли хоҳиш, аниқ режа ва умид билан бирор мақсад учун чин дилдан ҳаракатланмас, молиявий масалалар ҳам секин-аста изига тушаркан. Ҳаётини олтин қонидан пойтахтдан ташриф буюрган, ўша босқичларни енгиб ўтиб, ҳозир хусусий секторда ҳурмат қозонган, бизнес мактабини яратган меҳмонлар қатъий таъқидлашди”, дея таассуротларини ўртоқлашди.

— “Biznes maqafon” эндигина тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш истагидаги ёшларимиз учун унутилмас кўникма ҳамда мотивация майдони бўлди, десак янглишмаймиз. Албатта, бу ҳали бошланиши, ушбу лойиҳани келгусида, албатта, давом эттираемиз. Йўналишларга бўлинган ҳолда махсус ўқув семинарлар ҳам уюштирамиз, — деди “Yoshlar — kelajagimiz” жамғармасининг Наманган вилояти филиали раҳбари Ислонбек Қўтфидинов.

Орифжон Жўраев,  
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Бошланиши 1-бетда

3. Белгилаб қўйилсинки: эркин муомаладаги қимматли қоғозларнинг умумий ҳажмини ялпи ички маҳсулотнинг камида 5 фоизга етказиш Дастурнинг асосий мақсади ҳисобланади;

2023 йил 1 январдан бошлаб маҳаллий эмитентлар ўз акцияларини дастлаб республика фонд биржасида жойлаштиришдан сўнг андеррайтер тавсиясига кўра хорижий фонд бозорларида жойлаштириши мумкин;

оммавий савдолар орқали акцияларни IPO ёки SPO усулида жойлаштириш натижалари қайта кўриб чиқилмайди.

4. Устав капиталида давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган акциядорлик жамиятлари акцияларининг бирламчи (IPO) ва иккиламчи (SPO) оммавий таклифини қўйидаги шартларда ўтказиш белгилансин:

IPO ёки SPO йўли билан сотиладиган акцияларни харид қилиш учун аризаларни тўплаш ушбу IPO ёки SPOни ўтказиш шартномаси тузилган андеррайтер ёки андеррайтерлар гуруҳи томонидангина амалга оширилади;

андеррайтер акциядорлик жамиятини дастлабки ўрғаниш натижалари асосида акциялар хариди бўйича аризаларни тўплаш учун нарх чегараларини белгилайди;

IPO ва SPO йўли билан акцияларни тақсимлаш акцияларга бўлган талаб ва таклифдан келиб чиққан ҳолда, андеррайтер томонидан аниқланадиган ягона нарх асосида амалга оширилади;

андеррайтерга акциядорлик жамияти билан тузилган шартнома асосида акциялар тақсимланадиган инвесторларни танлаш, шунингдек, инвесторларга IPO ва SPO доирасида харид қилинган акцияларни сотиш тақиқланадиган мuddатни белгилаш ҳуқуқи бериллади.

5. Марказий банк 2021 йил 1 ноябрга қадар “Қимматли қоғозларнинг марказий депозитарийи” ДҚ ҳисоб рақамлари Марказий банкка ўтказилишини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
Ф А Р М О Н ИКАПИТАЛ БОЗОРИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ  
ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

6. Молия вазирлиги, Марказий банк, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Халқ таълими вазирлигининг “Молия ва инвестиция саводхонлиги” дастурини қўйидаги тамойиллар асосида амалга ошириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин:

аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг молиявий саводхонлигини ошириш, уларни молиявий хизматлар ва маҳсулотлар, жумладан, капитал бозори ҳамда молиявий инструментлар ҳақида хабардор қилиш билан боғлиқ ташаббусларни ҳамжиҳатликда амалга ошириш ҳамда мутасадди ташкилотлар билан фаол ҳамкорликни йўлга қўйиш;

илғор хорижий ўқув муассасалари ва тадқиқот институтлари, молия ташкилотларидан етакчи мутахассисларни молиявий саводхонлик даражасини оширишга оид таълим тадбирларига кенг жалб қилиш;

умумтаълим мактаблари ўқувчилари ҳамда ноиқтисодий йўналишдаги олий таълим ташкилотлари талабалари учун “Молиявий саводхонлик” ўқув курсини фан сифатида жорий этиш. Ушбу фан доирасида маблағларни тўғри бошқариш, оқилона молиявий қарорлар қабул қилиш, жумладан, молиявий инструментлар бўйича ўқитиш методологиясини ишлаб чиқиш ҳамда “Молиявий саводхонлик олимпиадалари”ни ташкил этиш орқали ўқув курсининг самарадорлигини баҳолаш;

аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг молиявий, шу жумладан, инвестиция бўйича саводхонлигини ошириш борасидаги барча тадбирларни 2021-2023 йилларга мўлжалланган Молиявий хизматлар оммабоплигини ошириш миллий стратегияси доирасида амалга ошириш.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,  
2021 йил 13 апрельЎзбекистон Республикаси Президентининг  
Қ А Р О Р ИКАПИТАЛ БОЗОРИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ТИЗИМИНИ  
ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ  
ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш соҳасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқиш, профессионал иштирокчиларнинг мутахассисларини аттестациядан ўтказиш ва малака гувоҳномаларини бериш;

қимматли қоғозларни чиқариш ва рўйхатдан ўтказиш, улар юзасидан ҳисобот бериш ҳамда қимматли қоғозлар эгаларининг реестрларини ва қимматли қоғозларга доир битимларни ҳисобга олиш реестрини юритиш талабларини белгилаш;

ўз маблағлари етарли даражада бўлишига доир мажбурий нормативларни ва қимматли қоғозларга доир операциялар бўйича таваккалчиликларни чекловчи кўрсаткичларни ўрнатиш;

қимматли қоғозлар бозорининг ҳолати ва унинг иштирокчилари ҳақида, шунингдек, қонунчиликда назарда тутилган маълумотлар ошқоралигини таъминлаш орқали жамоатчиликни хабардор қилиш;

капитал бозорини ривожлантириш ва тартибга солиш масалалари бўйича хорижий ва халқаро институтлар билан самарали ҳамкорлик қилиш.

3. Тугатилаётган Капитал бозорини ривожлантириш агентлигининг жами 110 нафар штат бирлиги (шундан, 90 нафар бошқарув ходими) ҳисобидан Молия вазирлигининг марказий аппарати тузилмасида бошқарув ходимлари чекланган сони 54 нафардан (шундан, 16 нафар худудларда фаолият кўрсатувчи марказий аппарат ходимлари) иборат Капитал бозорини ривожлантириш департаменти ташкил этилсин.

4. Белгилансинки: Капитал бозорини ривожлантириш департаментининг ўз фаолиятини бевосита худудларда олиб борадиган ходимлари меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари бўйича Молия вазирлиги марказий аппарати ходимларига тенглаштирилади ва ушбу ходимларнинг худудлардаги фаолияти билан боғлиқ харажатлар Молия вазирлиги томонидан молиялаштирилади;

Молия вазирлиги Капитал бозорини ривожлантириш агентлигининг барча ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари бўйича ҳуқуқий вориеси ҳисобланади;

Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги томонидан аввал берилган ҳужжатлар

ва илгари қабул қилинган қарорлар ўз кучини сақлаб қолади ва ушбу органни тугатиш муносабати билан уларни бекор қилиш ёки ўзгартириш талаб этилмайди;

Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги ва унинг ҳудудий бошқармаларида кўриб чиқиш жараёнида бўлган ҳужжатлар (тегишли фаолиятни лицензиялаш, қимматли қоғозлар чиқаришни рўйхатга олиш, мурожатлар ва бошқа ҳужжатлар) 2021 йил 1 майдан бошлаб Молия вазирлигига ўтказилади ва кўриб чиқиш натижалари Молия вазирлиги томонидан расмийлаштирилади;

Капитал бозорини ривожлантириш департаменти штатлари биринчи навбатда тугатилаётган Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги тизими ходимлари ҳисобидан бутланади.

5. 2021 йил 1 майдан бошлаб қўйидаги маблағлар Молия вазирлигининг бюджетдан ташқари жамғармасига йўналтирилсин: фонд биржасида қимматли қоғозлар савдосини амалга оширишда сотувчи томонидан тўланадиган йиғим;

эмиссиявий қимматли қоғозларнинг дастлабки чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказиш учун тўланадиган йиғим;

эмиссиявий қимматли қоғозларни йириклаштириш жараёнида уларнинг номинал қиймати оширилганда эмитент томонидан тўланадиган йиғим;

қимматли қоғозларнинг чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказиш ва (ёки) аввал рўйхатдан ўтган қимматли қоғозларнинг чиқарилишига ўзгартиришлар бўйича ҳужжатлар кўриб чиқилганлиги учун тўланадиган йиғим;

лотереяларни ташкил этиш фаолиятини тартибга солиш билан боғлиқ йиғимлар;

қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш агентлигининг қўриқларидаги профессионал иштирокчиларнинг фаолиятини амалга ошириш учун лицензия олиш тўғриси-

даги аризаларни кўриб чиқиш учун ундирилган йиғим;

белгиланган тартибда Молия вазирлиги томонидан ундирилган бошқа йиғимлар.

6. Бош вазир ўринбосари Ж.А. Қўчқоров, Молия вазирлиги (Т.А. Ишметов) 2021 йил 1 майга қадар:

Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги ҳузуридаги Капитал бозорини ривожлантиришга қўмақлаш жамғармасининг ҳамда ривожлантириш жамғармасининг қолдиқ маблағлари Молия вазирлигининг бюджетдан ташқари жамғармасига ўтказилишини;

Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги мол-мулкнинг Молия вазирлигига топширилишини таъминласин.

7. Молия вазирлигининг Капитал бозорини ривожлантириш департаменти Тошкент шаҳри, Мустанқлик шоҳ кўчаси, 107-уй манзилига жойлаштирилсин ва ушбу бино биринчи қаватининг чап қаноти ва тегишли ертўла қисми Молия вазирлигига оператив фойдаланиш ҳуқуқи асосида бириктирилсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Молия вазирлиги Капитал бозорини ривожлантириш департаментининг худудий шўьбалари ходимлари Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги худудий бошқармаларининг ҳозирги жойлашуви бўйича биналарда (хоналарда) жойлаштирилишини таъминласин.

8. Молия вазирлиги (Т.А. Ишметов) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой мuddатда:

Ўзбекистон Республикасининг “2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги қонунига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартишлар киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳасини;

қонунчиликка мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.


9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,  
2021 йил 13 апрель

ОБОДЛИК ЯРАШГАН МАНЗИЛЛАР



Манас. 2016 йилнинг кўклами. Тонг саҳар бошланган ёмғир одамлар юрагини эзиб ёғмоқда. Ҳовлига чиққан раис икки кун олдин экилган кўкатлар, картошка сув остида қолганини кўриб, меҳнатига ачинди. Энди ҳаммасини қайта экиш керак. “Маҳалла идорасига велосипедда борсаммикан. Йўқ, йўл лой, велосипедда юриш мушкул, яхшиси, бир амаллаб пиёда етиб олам. Одамлар ҳам кутиб қолгандир”, деб ўйлади раис. Бу пайтда раиснинг қизи катта йўл четидagi кичик каналдан икки челақ сув олиб қайтарди. Уйда сув қолмабди, отаси аччиқ чой ичади...



ҲАЁТДАН РОЗИ ОДАМЛАР МАСКАНИ

ёхуд Манас ва Гагариндаги ўзгаришлар шукуҳи

2018 йил баҳорда Президентимизнинг “Обод қишлоқ” дастури тўғрисидаги фармони билан қишлоқлардаги ободлик, бунёдкорлик ишлари дастлаб Манасдан бошланди: лой кўчалар асфальт бўлди, пиёдалар йўлакларни қурилди, кўп қаватли ва ҳовли уйларнинг ташқи қисмига зеб берилди, ҳар бир хонадон ичи ҳам таъмирдан чиқарилди, ичимлик сув олиб келинди. Таълим ва тиббиёт муассасалари қарийб қайта қурилди. Қишлоқ инфратузилмаси тубдан янгиланди.

БИР ҲАФТА ОЛДИНГИ ГУРУНЛАР...

2021 йил, апрель. Ёмғир шигалаб ёяпти. Жиззах вилоятининг Дўстлик туманидаги “Манас” қишлоқ фуқаролар йиғини биносидамиз. Маҳалла идораси мисоли катта уй: ҳаммаёқ чўгдек гилам, хоналар шинам безатилган. Бизни ҚФЙ раиси ўринбосари Дилшод Маматқулов қарши олди.

Бундан 5 йил олдин раис бобо лой кечиб юрган бугунги асфальт йўлдан машинада кетар эканмиз, йўл четига арчалар бир текис ўсаётгани, турфа гуллар ифори дилини яйратади.

Дилшод аканинг айтишича, Манас обод қишлоқ бўлгунга қадар аҳоли кўп қаватли уйлар ёнида мол боққан. Атрофдаги бўш ерларга хом гишдан кичик-кичик молхоналар қурилган ва шу ерда аҳоли кўй-эчки, сиғир боқиб тирикчилик қилишга мажбур эди. Қишлоқда бошқа иш ҳам бўлмаган. Мол гўнги ҳиди бутун қишлоқни тутиб турган, одамлар, мурғак болалар шундай шароитда яшаган.

“Обод қишлоқ” дастури шу ёқимсиз манзарани ўзгартди. Қишлоққа туташ, далага яқин жойдан аҳоли учун молхона қуриб берилди. Бугун манасликлар чорвасини шу ерда сақлайди. Қираверишда узун рўйхат осилдик. Унда чорваси бор кишилар исм-фамилияси, яъни навбатчилик рўйхати. Айтишларича, улар навбат билан ҳамма сиғирларни далада боқиб келади.

Бир вақтлар кўп қаватли уйлар олдида молхоналар бўлган, деса ишонмайсиз. Бугун улар ўрнида қурилган ўйин майдончаларида болалар шодон ўйнаб юрибди, ҳовлидаги ўриндиқларда қайвонилар гурунги қизийди, гуллар, дарактлар барқ уряб ўсмоқда.

Манасдаги ҳар бир хонадонда анор етиштирилади. Иккинчи шунга мос. Барчининг оланинг ҳовлисида 100 дан зиёд анор ўсиб турибди.

— Утган йили рўзгоримиздан ортган 500 кило анорни сотдик. Даромад ёмон бўлмади, — деди Б.Ҳайитматов. — Олдин ёнимиздаги каналдан сув ичар эдик. Бугун қуриб турибсиз, тоза ичимлик сув келди. Электр ҳам ўчмай қолди. Шундай кунлар келишини оруз қилардик. Аллоҳга шукр, етдик. Бунинг учун қишлоқларни ободлаштириб, одамларни рози қилишга бел боғлаган Президентимиз минг раҳмат, умрлари узок бўлсин.

Дарвоқе, Барчининг опа “Аёллар дафтари”га киритилган экан. Маҳалла аҳли ва бошқа мутасадди ташкилотлар кўмагида бу оиллага мўъжазгина иссиқхона қуриб берилибди. Сабзавот маҳсулотлари, кўкатлар етилиб қолибди. Рўзгордан ортгани бозорга сотилади. Энг муҳими, битта оила энди доимий даромад манбаига эга. Манасда бири иссиқхонасига картошка эккан, бири кўкат, бодринг ва помидор етиштириётган оилаларни кўплаб учратиш мумкин. Қишлоқда иш қизгин.

Ободлик ислохотлари тўлқинида Зухра Йигитова ҳам ўз ишини топди. Икки йилдирки, тикувчилик цехи очиб, қишлоқ хотин-қизларига, болаларга буюртма асосида кийим тикади, “Ҳидоят” ўқув маркази раҳбари.

— “Обод қишлоқ” дастури бошлангунча ишсиз эдик. Имтиёзли кредит олиб, тикувчилик цехи очдик. Шу кунгача ўнлаб шогирдлар етиштирдим. Ҳозир уларнинг тўрт нафари мустақил ишлайди. Иш кўп, ташкилотлардан ҳам буюртма келиб туради. Шунда шогирдларимиз билан биргаликда ишга киришамиз. Бугунги ҳаётимизда розимиз.

МАНАСЛИКЛАР НЕГА ЁМҒИРДАН ҚўРҚАРДИ?

Манас жойлашган ҳудудда 1,5-2 метр қазисангиз, сизот сув чиқади. Шу боис, ёмғир ёққанда ҳовлиларда тўплиниб қолган сувнинг ерга сингиб кетиши жуда қўйин. Қўлмас сув 2-3 кунлаб туриб қолади. Бу янги экилган қишлоқ ҳўжалиги экинлари нобуд бўлди, дегани. Юқорида раис айтмоқчи, қайта экишга тўғри келади.

Манасликлар баҳорда ёмғир ёғиши билан бир умр шу хавотирда яшаб келган. “Обод қишлоқ” дастури доирасида ана шу тарихий муаммага ҳам ниҳоят ечим топилди.

Қишлоқ ичидаги 3 та ерга катта қувур қўйилди, улар сизот сув йиғиладиган канал яқинига қурил-



ган насос станциясига уланди. Бу ёғи оддий: ер остидаги сизот сувлар насослар билан сўрилиб, каналга оқизиб юборилади.

Бугун манасликлар учун ёмғир қўт-баракка тим-соли. Мамлакатдаги ислохотлар ҳар бир манаслик фуқаро ҳаётда ўз аксини топган, кунларига мазмун инган.

МАНАСДАН ГАГАРИНГА: Йўлдаги учрашув

Манасдаги ўзгаришлар эпкин Гагаринга кўчгани ҳақида эшитганмиз. Йўлни шу томон бурдик. Бепоеън далалар ястаниб ётибди. Йўл четидagi зовур ёқалаб ўнлаб туялар ўтлаб юрганини кўриб, беихтиёр тўхтадик.

Узини Раҳматилло деб таништирган, ёши олти-мишлардан ошган чорвадор амаки фермер аксининг туяларини боқар экан.

Амакининг айтишича, ака-уқанинг 128 та туяси бор. Туяларнинг сути ҳам, жуни ҳам, гўшти ҳам фойдалани.

Туялар билан суратга тушмоқчи бўлган эдик, Раҳматилло ака уларни бирин-кетин номма-ном чақира бошлади. Қўйил, у 128 та туя ва бўталоқ лақабини адаштирмас экан. Энг қизғин, улар ҳам ўз лақабини билади ва эгасининг нима сўзлаганини тўшунади. Инсон ва туя ўртасидаги тиллашувдан ҳайратимиз ошди.

— Бунча туяга ем-хашакни қаердан топасиз?



— Йўл ёқасидаги озуқа етади. Мана, ўтлаб юрибди.  
— Қишда-чи?  
— Қишда ҳам шу ерда қорин тўйдиради. Бу ерда туялар учун ўт етарли.  
— Захира озуқа тўпламайсизми?  
— Йўқ. Табиатнинг бағри кенг.  
Йўловчилар туялар олдида тўхтаб ўтпапти. Суратга тушиб, ажойиб манзарадан завқ олишнинг гаштига нима етсин.

“ҒАЛАБА” ДАН БОШЛАНГАН ЗАФАР ТОНГИ

Мирзачўл тумани Гагарин шаҳарчасидаги ободлик ишлари айнан “Ғалаба” маҳалласидан бошланган.

Дастлаб Лола Ҳожиева хонадониди бўлди. Опа турмуш ўртоғи вафот этган, икки ўғлини ёлғиз воёга етказди. Албатта, осон бўлмади. Кўп қийинчиликларни бошидан ўтказди. Мамлакатимиздаги ислохотлар шукуҳи ниҳоят кўнгли ўқис оила-сига ҳам ободлик, файзу барақа олиб кирди.

— Маҳалламиз раиси шароитимизни ўрганиб, “Аёллар дафтари”га киритди. Кўп ўтмай банкдан имтиёзли кредит олишимиз мумкинлиги ҳақида айтишди. Дарҳол ишга киришдик. Таъминотчи билан шартнома туздик. 60 та товۇқни 800 кило дони, 10 та қуённи емиши билан олиб келиб берди. Бугун товۇқлар туҳумга кирди, қуёнларимиз кўпаяди, гўшт беради. Уларни таъминотчининг ўзига сотамиз. Рўзгоримизга барақа кирди. Ўғлим ҳам “Ешлар дафтари”га киритилган эди. Чорвага қизиқмади. Ҳозир уни ўқишга чақиряпти, чорва илмини ўрганиб чиқса, кредит берар экан. Насиб қилса, тез кунларда шу ишимиз ҳам юришиб кет-



са, мендан бахтли она бўлмайди. Кейин тўйлар қиламиз. Ҳар бир оилани, хотин-қизларни ўйлаб, шароит яратиб бераётган давлатимизга минг раҳмат.

Гагариндаги хайри амаллар, бунёдкорлик шукуҳи ҳар бир фуқаро кўнглига кўчган. Одамлар ҳаракатга келган. Томорқадан фойдаланишнинг ҳам ҳадисини олишди. Гулсара Қиличева келинлари билан бирга бир сотихли иссиқхонадан 30-40 миллион сўм даромад топяпти. Қизиги, иссиқхонага на газ керак, на электр энергияси. Сув ҳам кўп талаб қилинмайди.

— Қишда кўкатлар эккан эдик. Ҳосилни 5 миллион сўмга сотдик. Ҳозир мана қуриб турганингиз помидор, бодринг, булғор қалампир эдик. Икки ойларда уларни ҳам бозорга чиқарамиз. Қузда эса яна талабга қараб бошқа экин экамиз, — дейди Гулсара опа. — Минг қатла шукр, Президентимиз ишсизларни ишла, камбағалларни бой қилди. Уйларимиз аҳоли хароб эди, таъмирлаб берди. Ҳар бир уйга ичимлик сув келди. Ешлар олий маълумоти бўляпти. Бу йиллардан камбағал оила қолмади ҳисоб. Ҳаракат қилган яшяяпти. Шу бир сотих иссиқхона орқасидан чорвани ҳам кўпайтирдик, тўй қилмоқчимиз.

МАҲАЛЛА РАИСИ — ТАШАБУСКОР

Баҳром Эгамбердиев “Ғалаба” МФЙ раиси бўлганига ҳали кўп бўлмабди. Лекин унинг ташаббуслари, айтган ишини қилиши, қатъияти аллақачон одамларда маҳалладаги ислохотларга ишонч уйғотган.

Бундан уч-тўрт йил олдин халқ тилида “барак” деб аталадиган икки қаватли уйлар олдида ўтиб, маҳалла идораси томон борар эканмиз, раис бобо бизга олдинги манзарани таърифлаб беради:

— Бу уйларда яшаш азоб эди. Ҳожатхона ҳовлида, ҳамма учун умумий бўларди. Атрофни қўлланса ҳид тутиб кетарди. Ичимлик сув йўқ эди. Одамларнинг эса касалдан боши чиқмасди.

Бугун “барак” уйлар буткул ажиб қиёфа касб этган. Атроф ораста, гуллар, дарактлар барқ уриб ўсяпти. Ҳар бир уйда ичимлик сув бор. Майин кўклам шамоли далаларнинг сарин ифори-ни ёяди.

Асфальт йўл ва маҳалла идораси девори ўртасидаги ташландиқ ерни ағдариб, ажриқ ўтларни тераётган бир опа ва икки йигит эйтиборимизни тортиди.

— Бу ер кимники?

— Одатда йўл четидagi ерлар қаровсиз ётарди. Яқинда раисимиз ташаббус кўрсатиб, шу ерлардан ҳам фойдаланишлар, барибир бўш ётибди, деб қолди. Бизга маъқул келди. Беда эмкоқчимиз. Ҳам йўл бўйи қиройли кўришиб туради, ҳам сигирларимиз учун қишга захира йўғамиз.

Шуларни айтиб берган Пардагул Шайзокова бизнинг муҳбир эканимизни билгач, янада жушиб гапира бошлади:

— Яқин йилларгача уйимизга меҳмон келишдан уялар эдик. Меҳмон маҳалламиздан ўтиб уйга етиб олгунча, сўнг уни то катта йўлга кузатиб қўйгунча бошимиз ҳам бўларди. Қиш келса қалтираб, ёз келса куйиниб яшардик. Энди бошимиз баланд, меҳмон келса асфальт йўлдан кузатамиз, томоша қиладиган боғларимиз ҳам бор.

— “Ғалаба” маҳалласидаги 2 300 та оилада 6 500 га яқин аҳоли яшайди. Ҳар кун эрта тонгдан

кўчаларни айланамиз, одамлар ҳолидан хабар оламиз, муаммоларни ўрганамиз, — дейди Баҳром Эгамбердиев. — 2018 йили бошланган “Обод қишлоқ” дастури билан 18 га яқин ишлаб чиқариш корхонаси очилди, 2 та йирик тикув цехи ишга тушди. Бугунги кунда шифер ишлаб чиқариш йўлга қўйилган, спирт, ёғ-мой заводлари иш бошлаш арафасида. 11 та кўп қаватли, 206 та ҳовли уй қурилди. Электр тармоқлари, газ тортилди.

“Аёллар дафтари”, “Ешлар дафтари”га киритилган фуқароларимиз билан тизимли ишлаялик. Дастлаб 80 аёлни дафтарга киритган эдик. Уларга чорва, парранда кредитлари ажратдик, касбга ўқитиб, тикувчилик билан шуғулланиши учун шароит яратяпмиз. Қизларимиз гўзаллик салонлари очяпти. Яқинда бир гуруҳ ишсиз хотин-қизларимизга тикув машинаси совға қилинди. Бу ҳам даромад манбаи. Келиб раҳматини айтиб кетяпти.

Кредит олишга ҳам тўсиқ йўқ. Айниқса, “Аёллар дафтари”, “Ешлар дафтари”даги ёки тадбиркорлик билан шуғулланаман, деб борган одамларга ҳеч қийинчиликсиз кредит бериляпти. Маҳалламизда “Ешлар дафтари”га кирган 131 йигит-қизнинг 15 нафарига 50 сотихдан ер бердик, 4 нафарига чорва кредити ажратдик, 17 нафарини касб-ҳунарга ўқитяпмиз, 28 нафари эса иш билан ташминланди.

ТАШЛАНДИҚ ЖОЙДАН ХАЗИНА ТОПИЛДИ

Гагарин Мирзачўл тумани маркази ҳисобланади. Бу ерда одамларнинг айтишича, кафе, ресторонлар у ёқда турсин, шинамроқ овқатланиш шохобчаси бўлмаган. Яқин-яқингача кўчаларни тўсиб тўй қилинарди, чунки тўйхона йўқ эди-да.

Бугун ундай эмас. Шаҳарчага қираверишда катта суний кўл чайқалиб турибди. Йўл четига ўтов, бетакорр дизайнда безалган чойхона, шинамгина меҳмонхона, турфа дарактлар, қушлар, туялар, отлар, хуллас, ажойиб манзарага гувоҳ бўласиз. Бир пайтлар бу жой ташландиқ, қамишзор бўлган. Тадбиркорга берилган имконият самарасини кўрсатди.

— 2020 йил март ойида шу ерда экотуризмни ривожлантирамиз, деган ташаббус билан чиқдик. Мутасадди раҳбарлар кўллаб-қуватлади, — дейди “Етти хазина” дам олиш маскани раҳбари Бахтиёр Қунаров. — 6,5 гектар ерни узок муддатли шартнома билан олдик. Узимизнинг 1,5 миллиард сўм, Халқ банкнинг 2 миллиард сўм кредитини йўналтирдик. Дастлаб кўл ташкил қилиб, 300 минг дона балик чавоғи ташладик. Ҳозир улар истеъмолга тайёр. Кўлда балик овлашни йўлга қўйдик. Дам олувчилик балиқ тутиб, уйига олиб кетиши ёки шу ерда пишириб ейиши мумкин. Қайиқлар ҳам бор. Одамлар бемалол сувда сайр қилса бўлади.

Дам олиш масканида 12 ўринли меҳмонхона қурилган, атрофга ноёб кўчатлар экилган. Бу ерда бир кунда 100 дан зиёд дам олувчига хизмат кўрсатиш имкони бор. Ҳозирча 10 киши ишли бўлди. Тадбиркор акаимиз мустақиллигимизнинг 30 йиллигига ҳам совға ҳозирламоқда. Унинг айтишича, байрам арафасида болалар истироҳат боғи ишга тушади. Энг замонавий аттракционлар бу ерда ҳам бўлади.

Дам олиш маскани ортида мўъжаз ўрмон бор. Бахтиёр аканинг айтишича, ўрмонга турли ноёб қушлар, от ва туялар олиб келинган. Бу ерда одамлар сайр қилиши, меҳмонхонада қолиб, туя сути билан даволаниши мумкин.

ПРЕЗИДЕНТ ТАШРИФДАН СўНГ...

“Обод қишлоқ” дастури доирасида 2018 йили Гагарин шаҳарчасида “Мирзачўл-текс” корхонаси ҳам ташкил этилган эди. Президентимиз

Шавкат Мирзиёев 2019 йили бу ерга ташрифи чоғида корхона фаолиятини ривожлантиришга доир муҳим кўрсатмалар берган, хотин-қизларни иш билан таъминлашга доимий эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлаган эди.

Орадан икки йилдан зиёд вақт ўтди. Ўтган даврдаги ўзгаришлар билан танишиш мақсадида шу корхонада ҳам бўлдик.

“Мирзачўл-текс” корхонаси ижрочи директори Сардор Розиков яқинда Туркияда бўлиб, иш унумдорлигини ошириш бўйича ҳаммасларни билан музокаралар ўтказиб қайтибди, туркиялик икки мутахассисни ҳам бирга олиб келибди.

Тадбиркорнинг айтишича, дастлаб 100 дона тикув дастгоҳи билан бошланган иш бугунги кунда кластер тизими асосида ривожланмоқда. Яна 100 га яқин тикув дастгоҳи ўрнатилмоқда. Туркиялик мутахассислар эса тикувчилар малакасини ошириш билан шуғулланади.

2019 йили тайёр матодан жинси кийимлар тикилган бўлса, ҳозир мато ҳам шу ернинг ўзиде тўқилмоқда. Тўқув бўлимида бир кеча-кундузда 30 мингдан 45 минг погонometrгача мато тайёрланади. Тез орада пахта ва ўзлари етиштириб, толадан қалава ип йиғиришни ҳам йўлга қўйиш бошланган.

Корхона 12 гектар майдонда жойлашган. Бир қарич ҳам ер буш турмаслиги керак, деган тамойилга амал қилган ишбилармонлар шу кунларда корхона майдонининг бир четига пластик-профил маҳсулотларини ишлаб чиқариш цехини қуришни бошлаган.

УЧ ЙИЛ АВВАЛ МИРЗАЧўЛДА УЧТА САНОАТ КОРХОНАСИ БўЛГАН



Туман ҳоқими ўринбосари Ақром Турсунов билан суҳбатимизда шунга амин бўлдик: — Авваллари Мирзачўл туманида саноят бўлмаган, халқнинг яшаш шароити оғир эди. “Обод қишлоқ” дастуридан кейин саноят ривожланди. 2018 йилда туманимизда 3 тагина кичик саноят корхонаси бўлган бўлса, бугун уларнинг сони 150 дан ошди.

Кейинги йилларда хорижлик инвесторларни жалб қилишга ҳам алоҳида эътибор қаратяпмиз. Мамлакатимизнинг бошқа вилоятларидан йирик сармоядорларни жалб қилишга киришганмиз. Туркия, хитойлик инвесторлар билан ҳамкорликдаги лойиҳалар амалга ошди. Австрия, Ирландия, Эстония тадбиркорлари билан чорвачилик йўналишида ишлар бошланган, насли сиғирлар, қўй-эчкиларни олиб келяпмиз.

2020-2022 йилларда 38 та лойиҳани ишга тушириш бўйича белгиланган дастуриимиз бор. Ҳозиргача 281 миллиард сўм инвестиция ўзлаштирилди, шу лойиҳаларнинг 28 таси ишга туширилди. Бу билан тўхтаб қолганимиз йўқ. Яна 38 та қўшимча лойиҳа ишлаб чиқдик. Қурилиш, тўқимачилик, металлга қайта ишлов бериш, озиқ-овқат ишлаб чиқариш, агрологистикани ривожлантириш каби лойиҳаларимиз бор. Туризмни ривожлантиришга эътибор қаратяпмиз. Айдарқўл бўйида 80 миллиард сўмлик лойиҳа амалга оширилляпти.

Ишонасизми, бундан икки-уч йил олдин туманимизда биронта меҳмонхона йўқ эди. Бугунги кунда 2 та меҳмонхона қурилди, аҳолига маънавий, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шохобчаларини пайдо бўлди.

Бугунги кунда биз уларни ривожлантириш, замон талабларига мослаштириш ҳаракатидамиз. Тадбиркорларимизни мамлакатимизда бўлаётган йирик кўргазмаларга юборишни йўлга қўйдик. Асосий мақсадимиз маҳсулотларимизни экспортга чиқариш, хориждан катта инвестиция қиритиб, туманимизни обод қилиш, аҳоли турмуши фаровонлигини таъминлаш.

Яна бир катта мақсадимиз бор: саноятни ривожлантириб, тадбиркорларни кўллаб-қуватлаб, “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ешлар дафтари”ни ёлмоқчимиз. Шунча ислохотлардан кейин бизда ҳеч ким камбағал бўлиши, ишсиз қолиши мумкин эмас.

Улуғбек АСРОПОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

## ШАРХ



# ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИГИНИНГ ЯНГИ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

**Соҳибжон ҲОТАМОВ,**  
Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши бўлим бошлиғи

Инсоният қадим замонлардан буён ерга ҳаётий эҳтиёжларининг асосий манбаи бўлган озик-овқат маҳсулотларини етиштирувчи восита сифатида қараб келади. Ҳаёт шартларида деҳқон хўжалиги деҳқончиликнинг муҳим тармағи бўлиб келди. Ҳаёт шартларида деҳқон хўжалиги деҳқончиликнинг муҳим тармағи бўлиб келди.

Айниқса, пандемия даврида дунё сифатли озик-овқат маҳсулотлари етиштириш, ернинг ҳар қаричидан унумли фойдаланишга долзарб вазифа сифатида қарай бошлади. Юртимизда сўнгги йилларда деҳқончиликни янги босқичга олиб чиқишга қаратилган муҳим қарорлар қабул қилинди. Жорий йилнинг 1 апрель кунин Президентимиз томонидан имзоланган янги таҳрирдаги "Деҳқон хўжалиги тўғрисида"ги қонун ана шундай долзарб ҳуқуқий ҳужжатлардан бири саналади.

Қонуннинг қабул қилиниши тизимда узоқ йиллардан буён мавжуд кўлаб муаммоларга ечимдир, десак муболаға бўлмайди. Биргина мисол. Аввалги қонунчиликка мувофиқ, деҳқон хўжалигини юритиш учун ер участкалари фуқароларга мерос қилиб қолдирилмаган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи асосида берилиши назарда тутилган эди. Натигада деҳқон хўжаликлари ерларида аҳоли томонидан ўзбошимчилик билан уй-жойлар ва бошқа иморатлар қурилиб, турар жой сифатида фойдаланиб келинмоқда. Бунда ерларни асраш, унумдорлигини ошириш ва агротехника талаб-

ларига риоя қилиш каби мажбуриятларни бажариш иккинчи даражага тушиб қолганди. Жойларда ўтказилган ўрганишларда деҳқон хўжаликлари фаолияти етарли даражада тартибга солинмагани, уларнинг сони ва ажратилган ерларнинг ҳисобини юритиш ҳамон йўлга қўйилмагани ҳамда деҳқон хўжаликлари тўғрисидаги маълумотлар турлича юритилаётгани билан боғлиқ муаммолар юзага чиқди. Аҳоли сонининг ошиб бораётгани эса бир кишига тўғри келадиган ер улушининг тобора камийиб боришига олиб келмоқда.

Соҳадаги ана шундай камчиликларни бартараф этиш учун янги қонунни қабул қилиш зарурати пайдо бўлди. Мазкур ҳуқуқий ҳужжатнинг асосий вазифаси деҳқон хўжалигини ташкил этиш, фаолиятининг ҳуқуқий асосларини белгилаш, деҳқон хўжаликларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Бунда, аввало, деҳқон хўжаликлари тўғрисидаги янги қонуннинг асосий вазифаси деҳқон хўжалигини ташкил этиш, фаолиятининг ҳуқуқий асосларини белгилаш, деҳқон хўжаликларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Бериш амалиёти ўрнига ер участкасини ижара асосида бериш тизими жорий этилади. Бу эса мазкур ерда ноқонуний қурилишлар қилинишининг олдини олиб, ердан оқилона ва самарали фойдаланишга йўл очади.

**Шу билан бирга, деҳқон хўжаликлари тасарруфида бўлган ер участкаларини майдонларини уларнинг розилигисиз мақбуллаштиришга (қисқартиришга, ўзгартиришга ва бўзқаларга) йўл қўйилмаслиги белгиланди. Деҳқон хўжалигига ажратилган ер участкасини олиб қўйиш шартларининг аниқ белгиланиши уларнинг ҳуқуқий кафолатларини янада кучайтиради.**

Фермер хўжаликлари ёки бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан деҳқон хўжалигини юритиш учун қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг асосий экиндан бўшган қисми оралиқ қишлоқ хўжалиги экинлари экиш учун 0,06 гектардан йўлгагина бўлган мuddатга иккиламчи ижарага берилиши эса вақтинча бўш турган ерлардан самарали фойдаланишни таъминлайди.

Янги таҳрирдаги қонуннинг энг муҳим жиҳатларидан бири — унда деҳқон хўжаликларининг вазифаси, уларга берилган имконият ва ҳуқуқлар батафсил изоҳланган. Қонунда деҳқон хўжалигининг бошлиғи — деҳқон хўжалиги фаолиятини юритиш учун номига ер участкаси ажратилган ўн саккиз ёшга тўлган, муомалага лаёқатли Ўзбекистон Республикасининг фуқароси ёки доимий яшовчи фуқаролиги бўлмаган шахсдир, дейилади.

Ҳўш, бундай шахслар қонунчиликка мувофиқ қандай ҳуқуқ ва имтиёзларга эга? Аввало, деҳқон хўжалиги бошлиғи ушбу хўжалик номидан ишончномасиз иш юритади, шу жумладан, унинг манфаатларини ифода этади ва битимлар тузади. Янги тузиладиган ҳар қандай деҳқон хўжалиги унинг бошлиғи томонидан давлат хизматлари марказларига қилган мурожаати асосида ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали ҳисобга қўйилади ва деҳқон хўжаликлари ягона давлат реестридан кўчирма берилади.

Ҳўжалик фаолияти учун ажратилган ҳамда ижарага берилган ер участкасида бинолар, иморатлар ва иншоотлар, жумладан, ер ости иншоотлари қурилиши тақиқланади. Фақат энгил конструкцияли иссиқхона ва сўғориш қурилмаларни ўрнатиш бундан мустасно. Шунингдек, ер участкасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш фаолияти билан бирликда 10 шартли бош қорва ҳайвонини боқишга руҳсат берилади. Асосийси, деҳқон хўжалиги ўз фаолият йўналиши, экин турлари ва ҳажмлари, уларни етиштириш усуллари ҳамда агротехника тадбирларини амалга оширишни ўзи мустақил равишда белгилайди.

Бундан ташқари, деҳқон хўжалиги ўз маҳсулотларига бозордаги талаб ва тақлифдан келиб чиқиб мустақил равишда нарх белгилайди. Ўзи етиштирган маҳсулотларини далада, деҳқон бозорлари ва савдо комплексларида белгиланган тартибда, шунингдек, аҳоли пунктларида кўча савдо ташкил этган ҳолда сотиши учун қўшимча руҳсатнома (лицензия) талаб этилмайди. Унинг фаолияти натижасида олинган даромадлар эса солиқ солинадиган даромадлар ҳисобланмайди.

Бир сўз билан айтганда, янги таҳрирдаги қонун билан деҳқон хўжаликлари кўлаб имтиёз ва имкониятлар берилмоқда. Очиги, бундай шароитлар аввал деҳқонлар, қишлоқ хўжалиги ерлари эгалари учун фақат хомхаёл эди. Бугун эса уларда ўз деҳқон хўжаликлари янада ривожлантириш, ҳеч кимга қарам бўлмаган ҳолда эркин фаолият юритиш имконияти юзага келмоқда.



## ЯНГИ ТАЖРИБА

## ПЛЁНКА ОСТИДА ТОМЧИЛАТИБ СУҒОРИШ



**Расулжон КАМОЛОВ,**  
журналист

**Фарғона вилоятининг пахтачиликда ўз мактаби бор. Сўнгги йилларда янги навлар яратилди, агротехника такомиллашди, ҳосилдорлик айрим фермер хўжаликларида 50 центнер ва ундан ҳам юқори бўлди. Бу, албатта, илмий ҳулосаларга асосланган ёндашувнинг натижасидир.**

Бу йил вилоятда 82 080 гектар майдонга чигит экилади. Баҳорнинг дастлабки ойларидида табиат инжиқликлари тўғрисидаги маълумотлар бириктирилади. Шунга қарамадан ҳозиргача етмиш фюз майдонда чигит экиш ишлари тугалланди.

Пахтачиликнинг илғор технологияларидан бири кўчати плёнка остида етиштириб олишдир. Деҳқонлар бу усулнинг афзаллигини ўз фаолиятларида синов қилган. Кластер ва фермерлар ташаббуси билан 8 минг гектардан кўпроқ майдонда шу тажриба қўлланилмоқда.

Қолаверса, бу аънавий усул чигитни плёнка остига экишни ўзидан иборат эмас. Эндиликда инновацион технологиялар жорий этилиб, кўчат плёнка остида томчилатиб суғориш асосида ундириб олинади. Бу борада кластерлар намуна кўрсатмоқда.

Фарғона туманидаги "Ferqana olean textile" пахта-тўқимачилик кластерида Туркия технологияси асосида чигит экиш ишлари амалга оширилмоқда. Янги усулда ҳосил етиштириш кўлаб афзалликларга эга. Аввало, сув ва маблағни тежасли, ҳосилдорлигини оширади.

Плёнка остига томчилатиб суғориш учун мосланган махсус елим шланглар ётқизилади, уруғ қўшқатор усулда уялаб қадалади. Бу, гектарларда тўлиқ кўчатлар яратишда ўзига хос имкониятга эга. Экинлар яғана, чопиқ қилинмайди. Ниҳолларни керакли сув ва озқалар билан таъминлашда аниқ ҳисоб-китоблар асосида ётқизилган қувурларнинг хизмати катта. Улар керакли чуқурлик ва кўламда ер намлигини сақлаб туради. Сув, минерал ўғитлар, зарарли ҳашорат, бегона ўтларга қарши курашиш воситалари ҳам қувурлар ёрдамида тақсим олиб охирилади. Натигада, ҳатто сув тақчил, унумдорлиги паст бўлган ерларда юқори ҳосил олиш имконияти яратилди.

— Жорий мавсумда 849 гектар пахта майдонига ана шундай технологиялар ёрдамида ҳосил етиштиришимиз, — дейди пахта-тўқимачилик кластери бош агрономи Хурридбек Турсунбеков. — Бу борада Туркиянинг "Yildirim insaat malzemeleri damlama sulama sistemleri" корхонаси билан ҳамкорлик қилишимиз. Бу ишларга 5 та махсус чигит қадаш саялкалари жалб этилган. Шу кунга қадар мазкур технология асосида 300 гектардан ортиқ майдонга уруғ қадаб бўлинди.

Янги усулнинг яна бир ўзига хос жиҳати, уруғ сарфи икки ҳиссага камайдди, шунга қарамай унумдорлиги юқори бўлгани учун санаб доналаб ташланган чигитдан ҳар гектар ерда 200 минг тупга яқин кўчат ундириб парвартирилади. Бу ҳосилни эрта етиштириш, самардорлигини ошириш, сифатини яхшилаш имкониятини беради.

## ҲУҚУҚ

**Ахтам ЯҚУБОВ,**  
Юридик кадрларни халқаро стандартлар бўйича профессионал ўқитиш маркази директори

**Фируз МАҲМУДОВ,**  
марказ директори ўринбосари

Сўнгги йилларда юқори малакали, халқаро стандартларга жавоб берадиган юридик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш соҳасида кенг қўламли ислохотлар ўтказилмоқда.

Мазкур ҳуқуқий ислохотларнинг мантиқий давоми сифатида Вазирлар Маҳкамасининг шу йилнинг 6 апрелдаги "Юридик кадрларни халқаро стандартлар бўйича тайёрлаш тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорини қайд этиш мумкин.

Ҳуқуқий ҳужжатга биноан, Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги Юридик кадрларни халқаро стандартлар бўйича профессионал ўқитиш марказига бир қатор қўшимча вазифалар юклатилди.

Жумладан, низоларни судгача муқобил ҳал қилиш механизми сифатида медиация институтига самарали фаолият юритадиган медиаторларни тайёрлаш, интеллектуал мулк ҳуқуқи бўйича қисқа муддатли ўқув курсларини ташкил этиш, шунингдек, халқ таълими, ўрта махсус ва профессионал таълим муассасаларида юридик фанлардан дарс берадиган, олий нуоюридик маълумотга эга педагог кадрларни қайта тайёрлаш курсларини йўлга қўйиш марказининг асосий вазифаларидан бири сифатида белгиланмоқда.

Ҳуқуқат қарори билан мазкур курсларни ташкил этиш тартиби бўйича низоим лойиҳаси тасдиқланиб, унда курсларга қабул, ўқиш муддатлари, ўқув машғулотларини ташкил этиш тартиблари назарда тутилмоқда.

### Курсларда масофавий ўқиш ҳам мумкин

Таълим жараёнининг ишлаб чиқариш билан интеграциясини таъминлаш, назарий билимларни амалиёт билан уйғун олиб боришда тингловчиларнинг асосий иш жойидан ажралмай, курсларда ўқиши мумкин аҳамият касб эта-

# ЮРИДИК ТАЪЛИМДАГИ ИСЛОХОТЛАРНИНГ МАНТИҚИЙ ДАВОМИ

**“ МАМЛАКАТИМИЗДА АДВОКАТУРА ИНСТИТУТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ, МАЛАКАЛИ АДВОКАТЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ МАСАЛАСИ БУГУННИНГ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИДАН БИРИ ҲИСОБЛАНАДИ. ЁШ АДВОКАТЛАРНИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР АСОСИДА ТАЙЁРЛАШ, УЛАРНИНГ АМАЛИЙ КЎНИКМАЛАРИНИ ХОРИЖНИНГ ИЛҒОР ТАЖРИБАЛАРИ БИЛАН БОЙИТИШ МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАДИ.**

ди. Қарорга кўра, марказда ташкил этиладиган курслардаги таълим жараёнининг бевосита ва масофавий шаклда олиб борилиши қўлай имкониятдир. Бундан ташқари, курсларда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асосида юқори малакали педагог ва амалиётчи ходимларнинг дарс машғулотларини самарали ташкил этишига замин яратилди.

### Айрим тўсиқлар олиб ташланди

Давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг юридик хизматларида самарали фаолият юритадиган юридик кадрларни тайёрлаш мақсадида марказда олий маълумотга эга шахсларни юридик мутахассисликка қайта тайёрлаш курслари ташкил этилган эди. Курсларда фақат айрим олий таълим йўналишларини битирган шахсларгина таълим олиш имкониятига эга эди. Ҳуқуқатнинг яқинда қабул қилинган қарори асосида энди барча олий маълумотли шахслар кириш имтиҳонларидан муваффақиятли ўтиб, қайта тайёрлаш курсларида ўқиши мумкин. Бундан ташқари, курс битирувчиларига юридик хизмат кўрсатиш билан бирга, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларида ҳам ишлаш ҳуқуқи берилиши нафақат битирувчиларнинг

иш фаолиятини олиб бориши мумкин бўлган соҳаларни кенгайтириш, балки тизимини малакали кадрлар билан таъминлашга ҳам хизмат қилади.

### Ёш адвокатлар чет элда стажировка ўтади

Мамлакатимизда адвокатура институтини янада ривожлантириш, малакали адвокатларни тайёрлаш масаласи бугуннинг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади. Ёш адвокатларни халқаро стандартлар асосида тайёрлаш, уларнинг амалий кўникмаларини хорижнинг илғор тажрибалари билан бойитиш муҳим аҳамият касб этади.

Қарорда марказ орқали ёш адвокатларнинг етакчи хорижий юридик компанияларда стажировкасини ташкил этиш назарда тутилган, бу борада махсус грантлар эълон қилинган адвокатларни тайёрлаш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқади.

### Эҳтиёжга мос янги имконият

Бугунги кунда умумий ўрта, ўрта махсус ва профессионал таълим муассасаларида ҳуқуқшунос кадрларга эҳтиёж катта. Ҳуқуқшунослик фанларидан мутахассис етишмаслиги сабабли



биргина халқ таълими тизимида қарий 74 минг нафар номутохассис педагог кадр томонидан машғулотлар олиб боришмоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда, олий нуоюридик маълумотга эга педагоглар учун марказда тўрт ойлик қайта тайёрлаш курслари ташкил этилаётгани тегишли таълим муассасаларини мутахассислар билан таъминлаш имконини беради. 2030 йилдан бошлаб мазкур таълим муассасаларида фақатгина олий юридик маълумотли ёки марказда ташкил этиладиган қайта тайёрлаш курсларидан ўтган педагог кадрлар дарс бериш ҳуқуқига эга бўлади.

### Интеллектуал мулк ҳуқуқи бўйича мутахассислар тайёрланади

Президентимиз раҳбарлигида 2020 йил 12 октябрь кунини интеллектуал мулк объектларини муҳофаза қилиш тизимини такомиллашти-

риш чора-тадбирлари бўйича кенгайтирилган тарзда ўтказилган йиғилиш баёнида Тошкент давлат юридик университетида интеллектуал мулк ҳуқуқи бўйича ўқув курсларини ташкил этиш вазифаси назарда тутилган эди. Шундан келиб чиққан ҳолда, ҳуқуқат қарори асосида мазкур тоифадаги курсларни йўлга қўйиш, мутахассисларни интеллектуал мулкни яратиш ва ҳимоя қилиш асослари, тижориллаштириш, брендинг ва маркетингга ўқитиш режалаштирилмоқда. Бу борада бошланган ислохотлар интеллектуал мулк ҳуқуқи бўйича малакали мутахассисларни тайёрлашга муносиб ҳиссасини қўшади.

Хулоса қилиб айтганда, юридик кадрларни халқаро стандартлар бўйича тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва бу борада белгиланган вазифаларнинг сифатли амалга оширилиши мамлакатимизда юқори малакали ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлашда муҳим аҳамиятга эга.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ

Гулсум ШОДИЕВА, "Янги Ўзбекистон" мухбири

Ривоят қилишларича, мавлоно Жалолиддин Румий ёшлик чоғида ўзи тенги болалар билан пасткам томлар устида ўйнаб юрганда ёнидаги болалардан бири: "Юр, энди нариги томга сакраймиз", дебди. Шунда Жалолиддин: "Томма-том юриш жониворларнинг иши, агар танангда қувватинг бўлса, осмоннинг томига сакра", деган экан. Кўриниб турибдики, боболаримизнинг орзу-истаклари ҳам ўзлари каби улғув ва улкан бўлган. Ёшларимиз ўз аждодлари босиб ўтган ҳаёт йўли ҳақида мушоҳада қиларкан, дунё тамаддунига тамал тошини қўйган, илм бешигини тебратган кўлаб алломалар шу табарруқ заминнинг фарзандлари бўлганидан фахрланган ва уларга хос фазилатларни эгаллашга интилади. Статистик маълумотларга кўра, бугун дунё аҳолисининг 16 фоизини ёшлар ташкил қилади. Юртимизда эса бу кўрсаткич салкам 60 фоиз. Бошқача айтсак, Ўзбекистон ёшлар мамлакатидир. Ёшларимиз, бугун жамиятимиздаги янгилашлар жараёнида ёшларимиз ҳал қилувчи кучга айланиб бормоқда.

ЮРТНИНГ БАХТЛИ ЎҒЛОНИ



Нуроталик Хусан Эгамов эндигина 21 ёшни қаршилади. У алифбони ўргангандан қўйиб китобни ўзига ошно билди. Буни яхши пайкаган ота-онаси фарзандининг таълим-тарбиясига алоҳида эътибор қаратди. Хусан математика, физика, кимё ва биология каби фанларга қизиқди. Бу иштиёқ уни турли фан олимпиадаларида қатнашиб, юқори натижаларга эришишига сабаб бўлди. Ёш қаҳрамонимиз 2016 йили мактабни аъло баҳолар билан тамомлаган қўлини Навоий Давлат кенчилик институти қошидаги академик лицейда давом эттирди. Бу ўқув масканида ўқиб юрган чоғида биология фанига қизиқиши янада ортди, шу фан бўйича виллоят олимпиадасида 3-ўрин, халқаро олимпиаданинг виллоят босқичида 1-ўринни эгаллади. Ўз устида тинимсиз ишлаб, ўрганиши боис халқаро олимпиаданинг республика босқичида иштирок этиб, Эрон Ислום Республикасида биология фанидан бўлиб ўтадиган 29-халқаро олимпиадага йўлангани кўлга киритди. Натижада ИЮ-2018да 68 та давлатдан келган 245 нафар ўқувчи орасидан фахрли 4-ўринни эгаллади.

— Бу натижадан қониқмаганман, — дейди Хусан Эгамов. — Ўзбекистонга қайтиб келганимдан кейин ўз устимда янада кўпроқ ишлашни бошладим, кун-у тун ўқиб ўрганганларим ўз самарасини берди. 2019 йили Венгриянинг Сегенд шаҳрида биология фанидан бўлиб ўтган 30-халқаро олимпиадада 72 та давлатдан келган 285 нафар ўқувчи орасида бронза медалини кўлга киритдим. Президентимиз бу ютуғимни юксак баҳолаб, 2020 йили "Мард ўғлон" давлат мукофоти билан тақдирлади. Бу мен учун юксак эътироф ва шарафдир. Кези келганда айтиш жоизки, давлатимиз раҳбарининг биз ёшларга қаратаётган катта эътибори, шунингдек, устозларимнинг жонқурлиги бизни беҳад мамнун этди ва ўзимни шу юртининг чинакам бахтли фарзанди деб ҳисоблайман. Тиббиёт соҳасига бўлган қизиқишим мени Тошкент Тиббиёт академияси сари етаклади. Ҳозир шу таълим масканининг 2-босқич талабасиман. Бу ерда тиббиётнинг фундаментал асосларини чуқур ўрганяман. Академиямизда билим олишимиз учун барча шароитлар яратилган. Жумладан, замонавий кутубхоналар, биология, кимё, микробиология лабораториялари мавжуд. Ёш муҳими, бизга кучли билим ва амалиётга эга устозлар таълим бермоқда.

ЮКСАК МАНЗИЛЛАРНИ КЎЗЛАГАН АВЛОД

ТИНИБ-ТИНЧИМАС ГЎЛҲАЁ

ГўлҲаё Равшанова Навоий давлат педагогика институти 2-курсда таҳсил олиш билан бирга виллоят "Қизлар овози" клуби бош координатори саналади. У "Астана-2017" халқаро фестивалида мамлакатимиз делегацияси аъзоси сифатида фаол иштирок этган. ГўлҲаёнинг талабалик бахтига эришишига давлатимиз томонидан етакчилик қобилиятига эга, ватанпарвар, юрт келажига дахлдорликни ҳис қиладиган, меҳнатсевар ёшларга кўрсатилаётган имкониятлар ҳам сабаб бўлди. У Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 14 ноябрдаги "Ўзбекистон Ёшлар иттифоқининг фаол аъзоларига олий таълим муассасаларига киришда имтиёзлар бериш тўғрисида"ги қарори ҳамда Республика комиссиясининг 2019 йил 24 майдаги 6-сон қарорига мувофиқ имтиёзли грант асосида ўқишга кирди. Талабалик эса уни янада ташаббускорликка ундади, кенг имкониятлар эшигини очди. Олий таълим муассасаси талабалари ўртасида ўтказилган "Илм талабаси — 2020" кўрик-танловининг республика босқичида "Илмининг энг яхши тарғиботчи-ташаббускор талабаси" номинацияси бўйича оғли бўлди. Ҳозир у ўзи танлаган касби — ўқитувчиликнинг ахборот технологиялар йўналиши бўйича "Аниқ фанларнинг ўқитиш самардорлигини оширишда электрон таълим ресурслардан фойдаланиш методикаси" мавзусида илмий из-

ланишлар олиб борапти. Виллоят "Қизлар овози" клуби бош координатори сифатида 1 763 нафар қиз билан 37 та лойиҳани амалга оширди. Жумладан, ижтимоий ёрдамга муҳтож ва кам таъминланган 451 та оилага кўмаклашишга ўз ҳиссасини қўшди.

Дарҳақиқат, бугун юртимизда бу жараёнларнинг локомотиви сифатида ўртага чиққан катлам — тадбиркорлардир. Буни яхши англаган ГўлҲаё Хотин-қизлар тадбиркорлик марказида тренерлик вазифасида ишлаб, виллоятдаги ишсиз аёллар бандлигини таъминлаш бўйича 10 та туманда "Тадбиркорлик ва бизнес ассослари" ўқув курсида фаолият олиб борапти. Шу билан бирга, виллоятдаги ижтимоий ҳимояга муҳтож 127 нафар хотин-қиз учун қайта ўқув курслари ташкил этиб, уни муваффақиятли тугатган 82 нафар хотин-қизни ишга жойлаштиришга кўмаклашди.

Олий Мажлис ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўлаб-қувватлаш жамоат фондининг "Навоий виллоят олис қишлоқ ёшлари орасида тадбиркорликни ривожлантириш ва молиявий савдоҳонлигини ошириш" мавзусидаги давлат грантини кўлга киритиб, ёшларнинг молиявий савдоҳонлигини ошириш мақсадида чекка ҳудудлардаги тенгдошларга ўзи эгаллаган замонавий билимларни улашиб келмоқда. Ҳозирги кунда "Ёшлар дафтари" ва "Аёллар дафтари" бўйича рўйхатга кирган хотин-қизларни



касб-хунарга қайта ўқитмоқда.

— Болалигим Нуроталикнинг сўлим ва файзли гўшасида ўтди, — дейди ГўлҲаё. — Ёшлигимдан катта орзулар билан улғайдим, кулолчилик ва каштачилик билан шуғулландим. 2019 йил — менинг ҳаётимда унутилмас кун бўлди, талабалик бахти насиб этди. Ҳайратим чексиз, сардорликдан бошланган фаолиятим давомида республика ва халқаро миқёсдаги 95 дан зиёд танловда иштирок этдим ва голиб бўлдим.

Ҳа, ГўлҲаёнинг бугунги ютуқлари салмоқли. У юксак манзилларни кўзлаб олган интиляпти.

ТАШАББУСКОР ТАДБИРКОР

Навоийлик ёш тадбиркор Сардор Фафоров ўз ташаббускорлиги билан кўлаб тенгқурларига ибрат бўлмоқда. У раҳбарлик қилиб келаётган корхона хорижий мамлакатлар билан экспорт-импорт йўналишида самарали фаолият кўрсатиб келяпти. 2014 йилда ташкил топган мазкур корхонада айна пайтда 25 нафар ишчи меҳнат қилади. Корхона қисқа муддатда миллий маҳсулотларни дунёнинг 15 дан ортқ давлатига экспорт қилиб, жаҳон бозорида ўз ўрнини топти. Хусусан, 2017 йилдан бошлаб қўрилган мева-сабзавот, тўқимачилик каби бир қатор турдаги маҳсулотлар экспортини амалга ошириб, бу орқали маҳаллий бюджетга 1 миллион долларга яқин маблағ киритишига эришди.

Ёш ишбилармон ҳозирги кунда 4 та экспорт-импорт фирма таъсисчи ҳисобланади. Бу фирмаларнинг асосий фаолияти давлатимизга йирик хорижий инвесторларни жалб қилиш ва экспорт-импорт фаолиятини амалга оширишга қаратилган.

Жумладан, "Абдуқодир орзуси" масъулияти чекланган жамияти томонидан 2017 йилдан шу кунга қадар Малайзия, Бирлашган Араб Амириклари, Туркия, Эрон, Покистон, Афғонистон, Тожикистон, Қирғизистон, Қозғоғистон, Туркменистон республикалари ўртасида тузилган шартномалар асосида 2 миллион АҚШ долларига яқин қишлоқ хўжалиги ва саноат маҳсулотлари экспорт қилишга амалга оширилди. Унинг ташаббуси асосида 2019 йилда грециялик инвесторлар билан Навоий виллоятга инвестиция киритиш ва ҳамкорликда бир қатор тармоқларни ишга тушириш масаласи келишиб олди. Бу каби ҳамкорлик алоқалари Эрон ва АҚШлик инвесторлар билан ҳам амалга оширилмоқда.

Айна пайтда "Абдуқодир орзуси" масъулияти чекланган жамияти томонидан олтингургуртни қайта ишлаб, унинг кукунини экспорт қилиш ва бу орқали маҳсулотнинг таннархини 5-6 баробарга ошириш ҳамда экспорт ҳажмининг янада кўпайтириш бўйича амалий ишлар олиб бориляпти. Шунингдек, 2019 йили Хитойдан умумий қиймати 2 миллиард сўмлик олтингургурт маҳсулотини қайта ишлаб, кукун ҳолатига келтирадиган ускуналар олиб келинди ва Қизилтепа тумани ҳудудида ўрнатилди. Бу янги технология жаҳон бозорига экспорт қилинадиган 10 АҚШ долларига бўлган олтингургуртни кукун ҳолатига келтирилишини таъминлаб, унинг баҳосини 50-60 АҚШ долларда экспорт қилиш имкониятини яратди. Технология ўрнатилиши натижасида 25 та янги иш ўрни яратилди.



Шу ўринда айтиш жоизки, бевосита Сардорнинг ташкилотчилиги билан бугунги кунга қадар виллоятга 200 дан зиёд хорижий инвестор жалб этилди ва улар билан турли соҳалар бўйича 100 дан ортқ ҳамкорлик шартномалари амалга оширилди.

2006 йилда ташкил этилган, бир йилдан буён Сардор раҳбарлик қилиб келаётган "Навоий-Автосавдо" МЧЖда 2019 йилгача 20 та ишчи ишлаётган эди. Ёш тадбиркор раҳбарнинг ташаббуси билан ушбу корхонада бугунга келиб, 54 та доимий иш ўрни яратилди. Қувонарлиси, уларнинг барчаси ёшлар.

— Мазкур корхонанинг 2018 йил давомида автотомобиллар савдоси кўрсаткичи 2 075 тани ташкил этган бўлса, 2019 йилга келиб бу кўрсаткич 4 720 тага етди, — дейди С. Фафоров. — 2006-2017 йиллар давомида "Навоий-Автосавдо" МЧЖ миллий автомобил савдоси ва хизмат кўрсатиш фаолияти бўйича виллоятнинг энг охириги ўринларидан бирида эди. Бугунга келиб виллоят бўйича биринчи, республика миқёсида учинчи ўринда. Бундан ташқари, Навоий, Зарафшон шаҳарлари ва Қизилтепа туманида "Навоий-Автосавдо"нинг бўлимлари ташкил этилиб, фуқароларга қўлайликлар яратилмоқда. Корхонада бундан бир йил олдин кунига 10-15 та юридик шахсга хизмат кўрсатилган бўлса, бугунги кунда улар сони 150 тага етди. Натижада 40 та янги иш ўрни яратилиб, шунча ёшнинг бандлиги таъминланди.

Таъкидлаш жоизки, Сардорнинг ташаббуси билан Навоий виллояти ҳудудидаги ёш тадбиркорларнинг ўз бизнесларини самарали йўлга қўйиши ва кенгайтириши учун зарур бўладиган турли ускуна ва дастхоналарга талаб борлиги инobatта олиниб, уларга қўлайлик яратиш мақсадида Навоий шаҳрида "Ўзбекистон — Эрон савдо уйи" ўз фаолиятини бошлаяпти.

Бундан ташқари, Навоий виллоятининг туризм салоҳиятини янада ошириш бўйича германиялик инвесторлар билан Навоий шаҳрида замонавий меҳмонхона қуриш бўйича ўзаро ҳамкорлик битими тузилди.

Ҳозирда у виллоятда "Экспорт-импорт" мактабини ташкил этиб, экспорт тизимини "ягона дарча" орқали амалга ошириш ташаббусини илгари сурмоқда. Бу янги лойиҳанинг амалга тадбиқ этилиши экспорт салоҳиятини янада юксалтиришда муҳим аҳамият касб этади. Зеро, чет эл бизнес вакилларининг ишончини қозониш, улар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш ҳар қандай тадбиркордан катта илм ва маърифат талаб қилади.

Шу маънода айтганда, Сардор бугун тадбиркор олдига қўйилгандан талабларини жуда яхши билади ва ҳамиша эл олдига юзи ёрғу бўлиши учун тинимсиз меҳнат қилади, изланади, интилади. У бир вақтингиз ўзида Бош вазир қабулхонасининг Навоий виллоятдаги Тадбиркорларнинг жамоачилик кенгаши раиси ҳам ҳисобланади.

С. Фафоров халқ депутатлари Навоий шаҳар кенгаши депутати сифатида шаҳарнинг ўзи сайланган "Ватан" маҳалласи фуқаролари билан ҳамкорлигини кенгайтириш мақсадида "Телеграм канал" ва мулоқот учун "Махсус телефон рақами"ни ташкил қилди. Айтиш жоизки, у халқ вакили сифатида кўлаб ишсиз ёшларни бандлигини таъминлади. Яна бир гап. Ёш тадбиркор 2018 йилдан буён "JIU-JITSU" спорт федерациясининг Навоий виллояти бўйича раиси. Бугунги кунга қадар унинг ҳомилигида Навоий виллоятдаги ёшлар дунёнинг 15 га яқин давлатида мазкур спорт тури бўйича ўтказилган мусобақалардан 20 дан ортқ медаллар билан қайтишди. Айна пайтда у ўз ҳисобидан замонавий спорт комплексини барпо этиш устида иш олиб бормоқда.

Шунингдек, у 2020 йил 30 сентябрдан Ўзбекистон Бокс федерациясининг Навоий виллояти бўлими раиси этиб тайинланди. Айна пайтда бу борада ҳам истиқболли лойиҳалар устида, хусусан Навоийда "Намунали бокс мактаби"ни ташкил этиш мақсадида изланиш олиб бормоқда.

Эътиборлиси, 2019 йилда у "Энг яхши ёш тадбиркор" номига сазовор бўлди. 2020 йилда Президентимиз фармони билан таъсис этилган "Меҳр-саховат" кўрак нишонин билан тақдирланди. Бу рағбатдан руҳланган тиниб-тинчимас ёш тадбиркор айна кунларда Кармана туманининг "Маликратбо" кўрғони яқинида 5 гектар майдонда боғ яратиш устида иш олиб бормоқда.



ВАҚТИНГ КЕТДИ — НАҚДИНГ КЕТДИ

Нафиса Ибодуллаева юртимизнинг энг ёш олимпиадаси бўйича Зулфия Номидаги Давлат мукофоти соҳибаси.

Нафиса ҳақида сўз кетганда, "вақтинг кетди — нақдинг кетди" деган ибора ёдга тушади. Нафиса ҳали ёш, лекин хар бир дақиқанинг ҳадгига билади. Бу эса уни кўзлаган мақсадида янада тўри ва дадил одимлашга ундаб келаяди. Олий муассасасидаги билими, қобилияти, ташаббускорлиги самараси рағбатлантирилиб, педагогика йўналиши бўйича Президент стипендияси соҳибаси бўлди. 2016 йили ўтказилган "Илмининг энг фаол ёш мутахассиси" танловининг "Энг фаол ёш олим" номинацияси бўйича шаҳар босқичида голиб бўлиб, виллоят босқичида 2 ўринни эгаллаган. Сўнгра "Илм юлдузлари" IV республика интеллектуал кўрик-танловининг виллоят босқичида I ўринни ҳамда республика босқичида "Энг инновацион гоё соҳибаси" номинацияси соҳибаси бўлди. Бу ютуқлари унга янада учқур қанот бағишлади. Ўз устида тинмай ишлади, ўрганди, изланди, республика ва халқаро миқёсда ўз ўрнини топишга ҳаракат қилди. Жумладан, "Глобал олий таълим тизимида илмий тадқиқотларнинг замонавий услублари" мавзусидаги халқаро илмий конференцияда ўз маърузаси билан қатнашди. Ёш олимлар ва талабаларнинг "XXI аср — интеллектуал авлод асри" шиори остида ўтказилган ҳудудий анжуманида голиб бўлди. 2017 йили Ўзбекистон — АҚШ олимларининг иккинчи халқаро илмий анжуманида иштирок этди. Бошқирдистон давлат университетидан ўтказилган Х халқаро конференцияда "Комплекс анализ ва функциялар назарисы" секциясида маърузаси билан иштирок этиб, илмий ишлар танловида I даражали диплом билан тақдирланди. Шунингдек, 2019 йил 4-7 сентябрь кунлари Қозон Федерал университетида ўтказилган Х халқаро илмий конференцияда, ўша йилнинг 21-23 ноябрь кунлари Мирзо Ўлғубек номидаги Ўзбекистон Миллий университетидан ўтказилган Халқаро илмий конференцияда маърузалари билан иштирок этди. Бундан ташқари, 2020 йил 12-15 октябрь кунлари Мирзо Ўлғубек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ва Холон университети ҳамкорлигида ташкил этилган "Frontier in Mathematics and Computer Science" мавзусидаги халқаро онлайн конференцияда ўз маърузаси билан қатнашди. Бу эса Нафисанинг илмий тафаккурини ошириб, тобланиб боришида қўл келмоқда.

Шу ўринда айтиш лозимки, мақсад сари астойдил интиланган инсон ҳар қандай юмушга вақт топади, уйдасидан чиқади. Бу йўлда унга фурсати озлиги ёки бошқа сабабларни кўрсатишга изн бермайди. Серғайрат ёш олимнинг билимга ташналиги, тиниб-тинчимаслиги бунга яқин мисол бўла олади.

Айна пайтда у математик анализ ихтисослиги бўйича PhD илмий даражасини олиш учун илмий-тадқиқот ишини олиб бормоқда. Изланишлари самараси ўлароқ 60 га яқин илмий мақоласи тезис сифатида республика илмий журналларида ва бир қатор халқаро ҳамда минтақавий илмий-амалий конференция материаллари тўпламларида ёритилди. Шу билан бирга, "Векториял алгебра элементлари" ва "Тенглама ва тенгламалар системаси" номи услубий қўлланмалари нашр этилди.

Қувонарлиси, жорий йилнинг 1 январидан Нафиса Ибодуллаеванинг илмий натижаларига математик анализ ихтисослиги бўйича фалсафа доктори PhD илмий даражасини олиш учун белгиланган талабаларга мос келиши ҳақида ҳулоса берилди. Яна бир жиҳат, олий таълим тизимида илмий-тадқиқот ишларини олиб бораётган иқтидорли талабалар, докторантлар ва мустақил тадқиқотчилар ўртасида ўтказилган "Янги Ўзбекистоннинг истеъдодли ёшлари" 2021 йилнинг энг яхши мақоласи танлови голиби бўлди.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши томонидан "Донолик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони" шиори остида ўтказилган "XXI аср аёли" кўрик-танловининг шаҳар, виллоят босқичлари голиби бўлди ҳамда республика босқичида 2-ўринни эгаллади. Ушбу юксак эътибор ва эътирофлар ёш олимнинг илм оламида бундан-да юксак чуққиларни забот этиш сари етаклайди.

Хулоса қилиб айтганда, бугун тилга олган навоийлик ёшларнинг ҳар бири онги шуурини халқимизнинг ишончини оқлаш гоёси муважжам. Улардаги дадиллик, аҳдига содиқлик ва ташаббускорлик барча тенгдош ёш авлод вакиллари учун ҳақиқий ибратдир.

ДИҚҚАТ ТАНЛОВ!!!

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан "Аёллар дафтари" тизими бўйича олиб борилаётган кенг камровли ишларда фидокорона меҳнатлари билан барчага ўрнак бўлаётган, аёлларнинг муаммо ва муурожаатлари ҳал этилишига салмоқли ҳисса қўшаётган маъсۇл ходимларни муносиб рағбатлантириш бўйича:

— Республикамиз ҳудудларидаги маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ўртасида "хонадонбай" ишлашда "Энг яхши маҳалла раиси";

— Ҳудудлардаги сектор раҳбарлари ўртасида "маҳаллабай" ишлашда "Энг яхши сектор раҳбари";

— Гендер сиёсати ва мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳамада иқтисодий ҳаётида аёллар ролинини ошириш борасидаги ишларни намунали ташкил этган корхона раҳбарлари ўртасида "Энг намунали аёл иш берувчи";

— Аёллар дафтари орқали кўмак олиб, иш ўрни яратган ва маҳалласидаги хотин-қизларни иш билан таъминла-



ган тадбиркор аёллар ўртасида "Касаба уюшмалари лауреати" мукофоти учун танловлари ўтказилмоқда.

Мазкур танловларнинг асосий мақсади Ўзбекистон Республикаси

Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан йўлга қўйилган "Аёллар дафтари" тизими йўналишидаги ишларни қўлаб-қувватлаш ва самарадорлигини ошириш, хусусан, хотин-қизлар муаммо-



ларини "хонадонбай" ва "маҳаллабай" ўрганиш ва ҳал этишга кўмаклашиш, гендер сиёсатини қўлаб-қувватлаш, "Аёллар дафтари"га киритилган хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш, янги иш ўринларини яратиш, эҳтиёжманд хотин-қизлар бандлиги ва доимий даромад манбаига эга бўлишларини таъминлаш орқали уларни камбағалликдан чиқариш ишларига муносиб ҳисса қўшишдан иборатдир.

Бир неча босқичларда ўтказилаётган "Энг яхши маҳалла раиси", "Энг яхши сектор раҳбари", "Энг намунали аёл иш берувчи" ва "Касаба уюшмалари лауреати" танловларида иштирок этиш истагидан булган номзодлар тегишли ҳужжат ва материалларни 2021 йилнинг 1 июнига қадар туман ва ҳудудий Ташкилий қўмиталарига тақдим этишлари лозим.

Танловларнинг Республика финал босқичи голиблари Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 30 йиллиги байрами арафасида эълон қилинади.

Голибларни тантанали тақдирлаш тадбири 2021 йил 11 ноябрь — Ўзбекистон касаба уюшмалари кунини ўтказилади.

ТАНЛОВЛАР ГОЛИБЛАРИГА ПРЕЗИДЕНТ СОВҒАСИ СИФАТИДА:

- I-ЎРИН УЧУН "ЛАСЕТТИ" АВТОМОБИЛИ;
II-ЎРИН УЧУН "КОБАЛЬТ" АВТОМОБИЛИ;
III-ЎРИН УЧУН "СПАРК" АВТОМОБИЛИ ТОПИРИЛАДИ.



Танловлар ва уларни ўтказиш тартиби тўғрисидаги батафсил маълумотларни Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг ҳудудий Кенгаши ҳамда Федерациянинг www.kasaba.uz веб-Портали орқали олишингиз мумкин.

ЭЪТИБОР ВА ЭХТИРОМ

Муножат МЎМИНОВА, "Янги Ўзбекистон" мухбири

Мамлакатимизда кекса авлод вакиллари... Президентимиз томонидан ёши улуг инсонларга қаратилган эътибор, бу борада қабул қилинган қатор ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар эндиликда қоғозда эмас, амалда акс этиб, кекса авлод вакиллари...



Ўзбекистон аҳолисининг қарийб ўндан бирининга ташкил этаётган кекса авлод вакиллари... Президентимиз томонидан ёши улуг инсонларга қаратилган эътибор, бу борада қабул қилинган қатор ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар эндиликда қоғозда эмас, амалда акс этиб, кекса авлод вакиллари...

Орзулар армонларга айланмас энди

Фарзандларимиз ҳаётдаги йўллари ни топиб, ўзларидан тиниб-тинчиб кетган чоғида ҳам уларни уйлашверадиган меҳрибон халқимиз. Зеро, болажонлигимиз ҳам отамерос қадриятларимиздан. Аммо кексаларнинг ҳам ўз завқи, ўз гашти бўлиши керак экан.

— Вазирилар Маҳкамасининг 2020 йил 28 майдаги "Кексаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштиришни қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори кексаларимизнинг орзулари рўёбига ҳам хизмат қилмоқда.

Шунингдек, республика "Нуроний" жамғармасининг молиявий имкониятлари янада кенгайтирилиши, бунинг учун ушбу жамғармага бюджетдан 100 миллион сўм ажратилиши, ўзгалар парваришига муҳтоб бўлган 16 мингдан зиёд кексаларга ёрдам бериши, тўловлар миқдорини ошириши, қўрсатилган ижтимоий хизматлар қўламини кенгайтириш вазифалари ҳам белгилаб берилди.

Халқимиз севиб томоша қиладиган "Оталар сўзи — ақлнинг кўзи" кўрсатувининг мазмунан бойитилиши, "Маҳаллада гурун", "Нуронийлар маслаҳати" каби янги кўрсатувлар ташкил этилиши ҳақидаги таклифлар эса ушбу ишлар қўламини янада оширди.



лаётган ижтимоий, тиббий ва маиший хизмат турларини кенгайтириш ва сифатини ошириш боробарида ҳар йили ноябрь ойи "Кексалар учун туризм ойлиги"ни ўтказиш белгиланди. Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги томонидан I гуруҳ ногиронлиги бўлган саёат қилувчи кексалар рўйхати шакллантирилиб, ушбу ойликнинг аҳамияти кекса авлод вакиллари, нуронийлар ўртасида кенг тарғиб этилди.

Утган йили мазкур ойлик илк бор мамлакатимиз бўйлаб юзасан савияда ташкил этилиб, унга жами 56 минг 228 нафардан ортик кексалар қамраб олинди. Уларнинг 10 151 нафари кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтоб нуронийлар экани эса тадбирнинг аҳамиятини янада оширди.

Кекса саёхатчиларнинг мароқли дам олишлари учун республикамиздаги меҳмонхона ва меҳмон уйлари, умумий овқатланиш жойларидаги хизматлар учун эса чегирмалар жорий этилди. Шунингдек, ойлик мобайнида "Uzbekistan

Airways" АЖ томонидан ички авиация йўналишларида, "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ томонидан республика ичидаги амалдаги тарифларга ҳамда "Uzautotrans Service" МЧЖ томонидан маҳаллий йўналишларда қатновчи автобус чипта нархлари ҳам 15 фоиздан 25 фоизгача ихтиёр чегирмалар берилди.

— Аввал биз ҳам қачон саёхатларга борамиз, ватанимизнинг машҳур жойларини кўрамиз, деб орау қилиб яшар эдик. Ўзбекчилик-да, болам-чакам деймиз. Туй-маъракамиз кўп. Камчилик ўзидан ортиниб, саёхатга, зиёратга борар эди. Ҳозирга келиб, кексаларга имтиёзлар яратилди. Шунинг учун ҳар йили саёхат қилаётганлар бор. Биз ҳам шу имтиёзлардан фойдаланиб, Самарқанд, Бухоро, Хиваларни кўриб келдик. Минг марта эшитгандан, бир марта кўрган афзал, деб бежиз айтилмаганига гувоҳ бўлдик, — дейди пойтахтнинг Олмазор туманидаги "Нихол" МФЙда истиқомат қилаётган Фарида ая Маҳмудова.

— Бу каби шукроналикка йўғрилган фикрлар эмин-эркин юрт кезаётган қанча-қанча отахону онахонлар дилига жо бўлди. Ўзбекистон Муслмонлар идораси хузуридаги "Вақф" хайрия жамоат фонди томонидан Тошкент шаҳри, Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё, Хоразм ва Навоий вилоятларидаги 14 та зиёратгоҳга кексаларнинг бепул киритилиши йўлга қўйилгани ҳам уларни руҳан қўллаб-қувватлаш кўзда тутилган. Шунингдек, Маданият вазирлиги томонидан ҳам Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Қашқадарё, Самарқанд, Сирдарё, Сурхондарё ва Хоразм вилоятларидаги 49 та маданий мерос объектларидаги киришда чегирмалар жорий қилинди. 1 200 нафар фахрийларнинг концерт ва театрларга ташрифи ташкил этилди.

Коронавирус балоси бутун дунёга, шу жумладан, юртимиз аҳолиси саломатлигига ҳам жиддий хавф тудираётгани боис ташкил этилган барча саёхатлар, белгиланган лойиҳа ва тадбирлар карантин талаблари, шифокорлар қўрсатмаларига қатъий амал қилинган ҳолда ўтказилди. Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда ушбу ойликда иштирок этган кексаларга зарур пайтда шифокорлар томонидан керакли тиббий ёрдам қўрсатилди. Шу билан бирга, туризм ойлиги доирасида "Ҳар кун 5 минг қадам" широи остида пайда юриш марафонлари ўтказилиб, соғломлаштириш тарғиб қилинди.

Кексалар соғлиғи — юрт бойлиғи

Қорақўллик 84 ёшли Ҳайитмурод ота Сатторов ва унинг ўнга яқин тенгқурлари туман марказий касалхонасига миннатдорлик билдирар экан, бугун нафақат Бухоро, республикамизнинг барча ҳудудларида кексаларга тиббий хизмат қўрсатиш сифати аввалгидан сезиларли даражада яхшиланигани алоҳида тилга олинди. Бугун ҳамшираларнинг қариялар ҳолидан мунтазам хабар олаётгани, карантин пайтида керакли дори-дармонларнинг етказиб турилигани ортидан Ҳайитмурод ота каби минг-миглаб қариялар ҳаётдан рози бўлиб, хизматларига шай турган барча-барчадан миннатдор бўляпти, дуога кўл очаяпти.

Шу ўринда айтиш жоизки, ўтган йили Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва "Нуроний" жамғармаси томо-

нидан жами 22 845 нафар кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар, шу жумладан, уруш ва меҳнат фронти фахрийлари соғломлаштирилди.

Корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат қилаётган 3 508 нафар пенсионерлар, шунингдек, касабаяртамаси аъзоларининг пенсионер ота-оналари имтиёзли, 300 нафари бепул соғломлаштирилди.

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг "Нуроний" жамғармаси Республика Бошқаруви тақдим этган маълумотга кўра, 12 минг 876 нафар кекса нуронийлар турли санаторийлар ва сихатгоҳларда соғлиқларини тиклаган, 66 минг нафари бепул чуқур тиббий кўриқдан ўтказилган.

Ёруғ кунлар учун курашганларни қафтда асраймиз

Президентимизнинг "Биз уруш ва фронтоти фахрийларини фақатгина байрамларда эмас, балки доимо эъзозлаб, ардоқлашимиз, уларнинг соғлиғи ҳақида ҳар кунни, ҳар соатда уйлашимиз лозим. Жорий йилда уларга ҳар томонлама эътибор янада кучайтирилади. Жумладан, мамлакатимизнинг энг яхши санаторийларида уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш учун қулай шaroитлар яратилиши, дегап гапларидан уруш фахрийларининг кўнглилари тоғдек кўтарилгани аниқ.

Утган йили 9 май "Ҳотира ва Қадрлаш кунини" арафасида уруш қатнашчиларининг ҳар бирига 10 миллион сўм миқдоридagi бирйўла тўланадиган мукофот пуллари тантанали равишда топширилгани, бетоб қарияларнинг уйларига олиб бориб берилгани юзасан эътиборнинг амалдаги ифодасидир.

Президентимизнинг 2016 йил 28 декабрдаги "Кексалар ва ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори асосида эса "Нуроний" жамғармаси Республика Бошқаруви-нинг мурожаатига мувофиқ, "Дори-дармон" акциядорлик компанияси томонидан жамғармага тақдим қилинган 1 860 дон дори-дармон аптекалари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида истиқомат қилаётган ногиронлар ва ёлғиз кексалар, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат фронти фахрийларига етказиб берилди.

Касаба уюшмалари ташкилотлари томонидан 240 нафар ёлғиз кекса ва ногиронларга 57,8 миллион сўмлик коммунал хизматлар учун тўловлари қисман қўллаб берилди. Республика-миздаги "Саховат" ва "Мурувват" уйларида истиқомат қилаётган қарияларга, ногирон ҳамда ёлғиз кексаларга касаба уюшмалари ҳисобидан 75,6 миллион сўмлик хайрия ишлари амалга оширилди.

2020 йили Ватанимиз давлат мустақиллигининг 29 йиллиги муносабати билан иқтисодиёт, ишлаб чиқариш, илм-фан, маданият, таълим, соғлиқни сақлаш, юриспруденция ва бошқа соҳалардаги узоқ йиллик ҳалол меҳнатлари остида пайда юриш марафонлари ўтказилиб, соғломлаштириш тарғиб қилинди.

Фахр билан айтиш мумкинки, биз ҳар бир ишда катталар маслагига таянадиган, кичик бир оилавий зиёфатдан тортиб, тўйларгача давраларимиз турини нуронийларимизнинг тасаввур эта олмайдиган миллат вакилларимиз. Шундай экан, кексаларга бўлган чекиз ҳурматимиз, улар олдидаги битмас-туганмас фарзандлик бурчимиз бизни ёши улуглар дуосини олишга, рози қилишга ундайверади. Бунинг яна бир ҳикмати шундаки, фарзандларимиз ҳам ўз-ўзидан бу аъёнанинг давомчиларига айланиб, кексалар дуосининг олтиндан қиммат эканини англаб боришади. Шунинг учун ҳам элимиз, юртимиз кексалар дуоси билан яшнаверади.

ТААССУРОТ



АБАДИЙ САФАРДА ЙЎЛЧИМИЗ ИНОҚ...

Ўзбекистон халқ шоирлари Усмон Азим, Маҳмуд Тоир, Қорақалпоғистон халқ шоири Рустам Мусурмон билан биргаликда шу йилнинг 5-7 апрель кунлари Қорақалпоғистон Республикасига қилган ижодий сафаримиз ёрқин таассуротларга бой бўлди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Бўзатов туманида ташкил этилган шеърят фестивали, китобхонлик ҳафталиги доирасидаги тадбирлар юқори савияда ўтди. Бўзатовликларнинг самимияти, ғайрат-шижоати, адабиётга бўлган меҳри, шунингдек, сўнги йилларда туманда рўй берган янгиликларни кўриб, кўнглимиз яншиди.

Сафар давомида устоз Усмон Азим: "Бу ернинг кенгликлари шеърга тўла экан, фақат уларни ёзиш керак", дея кўнглимиз тубидаги гапни айтди. Биз-

га йўлдошлик қилган қорақалпоғистонлик таниқли адибларнинг дил сўзларини тингларканмиз, икки қардош халқнинг ўзи ҳам, сўзи ҳам томирдош эканини яна бир бор теран ҳис қилдик. "Президентимиз қорақалпоқ тилидаги "огизбирчилик" деган сўзни бутун Ўзбекистонга кенг ёйди", деди мезбонлар фахрлиниб. Қорақалпоқ кенгликларидан топилган кўйилмай шеър ана шу томирдошлик ва огизбирчилик тўғрисидаги кичик меваси сифатида қоғозга тушди.



Сафарга отландик Усмон Азим-ла, Биз мурид, доврқули шоир эшондек. Булуғлар эргашди тирик назмга, Сўзининг қудратига ярақ ишондик.

Нукус юрагига кўнаркан учоқ, Банди тўйгулардан тўзғиб кетди гоё. Танли қорақалпоқ очди-ку қучоқ, Меҳрини пойандоз қилди Бўзатов.

Бунда жингил жиров, туронгил шоир, Сездим: ҳар лаҳза шеър тинлаб ўсурман — Тўқайдан топаркан сўз Маҳмуд Тоир, Хиргойи қиларкан Рустам Мусурмон.

Гўё кўз очгандай асотир, эртак, Осмонтой гижинглаб қилгандай парвоз. Шеър айтиб самодан тўшгандай Бердақ, Дўмбира тўшгандай ё Ажиниёз...

Уч кун учиб ўтди учта паридай, Илҳом бекатиева тушдик — жилмадик. Кўйламан кўнглидан ғубор аригай — Ўзбек, қорақалпоқ бирга жирладик.

Кенгашиб, сирлашиб етдик муродеа, Қарраман қалбимиз бўлди гулистон. Томиримиз битта: ё кўнгултоға, Ё юзга такалар — битта улусдан...

Шу боис эгизмиз — эмасмиз биров, Шу боис сўз десак, бошқамиз — қойил.\* Шу боис ўзбекнинг юраги жиров, Қорақалпоқ кўнгли шу боис шоир.

Абадий сафарда йўлчимиз иноқ, Бирга енаеялимиз қору дўлларни. Сахролар бағрини қияялмиз боғ, Йўлга соляялмиз асов чўлларни...

Тошкентдан тўрттовлон келган эдик, оқ, Кўзлари тўрт бўлган дўстларни кўрдик. Коптакон шаҳарба тополмай панох, Даштни ватан тутган сўзларни кўрдик.

"Шеърга тўла экан бу ерлар, во-й-а-а, Хўшлашмоқ гуссали..." — эмранди устоз. Ҳар қандай сафар ҳам толгай ниҳоя, Юз йиллик хуш дийдор тўлоғайдир оз.

Кўёшга тик боқиб қийилди кўзлар, Нурли сўзимизни айтиб келдик биз. Кузатди ўзбекка айланган дўстлар, Қорақалпоқ бўлиб қайтиб келдик биз...

Нодир ЖОНУЗОҚ, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

\*қойил — қорақалпоқ тилида "рози" дегани



Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси аппарати жамоаси масъул ходим Мирзаев Имомназар Қаландаровичга отаси Қаландар МИРЗАВАЛИЕВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

"Янги Ўзбекистон" ва "Правда Востока" газеталари тахририяти ДУК

Бош муҳаррир: Салим ДОНИЁРОВ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 236. Буюртма — 1264. 79778 нусхада босилди. Ҳажми — 3 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоиси келишилган нарҳда.

"Янги Ўзбекистон" газетаси учун масъул: бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари в.б. Бахтиёр Абдусатторов